

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: _____

ФАХРИДИНОВА САФИНА САВРИДИНОВНА

**ФЛОРИСТИКАНИНГ ИННОВАЦИОН УСЛУБЛАРИ ВА УНИ
ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРЬЕРДА ҚЎЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Ихтисослик: 5A150901 - "Дизайн"
(Архитектура муҳитлари дизайни)**

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация иши "Ландшафт дизайни
ва интерьер" кафедрасида ____июнь
2020 йил кўриб чиқилди ва ҳимояга
рухсат берилди.

Кафедра мудири: _____

Т. Қўшмонов

Илмий раҳбар: профессор

Э.М. Муҳаммадиев _____

“ ____ ” _____ 2020 й.

Самарқанд –2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. ФЛОРИСТИКАНИНГ ИНТЕРЬЕРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ	9
1.1 Флористиканинг қадимги дунё мамлакатларда қўлланилиши амалиёти	9
1.2 Интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари.Махаллий ва хориж навларини ўрганиш.....	13
1.3 Фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганиш.....	30
1-боб хулосаси.....	46
II боб. ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ИНТЕРЬЕРЛАР МУХИТИ ДИЗАЙНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФИТОЎСИМЛИКЛАРНИНГ РОЛИ.....	48
2.1. Замонавий инновацион интерьер маданияти.....	48
2.2. Хорижий мамлакатларда архитектуравий стиллар ва замонавий инновацион интерьернинг тараққиёт тамойиллари.....	50
2.3. Замонавий инновацион интерьерларда флористиканинг ўрни.....	54
2-боб хулосаси.....	55
III боб.ЎЗБЕКИСТОН МУХИТИДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРЬЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРДА ФЛОРИСТИКА УСЛУБЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	56
3.1. Замонавий инновацион интерьерларда фитоўсимликларни қўллаш миллий асослари ва тамойиллари.....	56
3.2. Гулларни ўстиришнинг агротехник қоидалари.....	59
3.3. Миллий инновацион интерьерлар ва махаллий хорижий ўсимликлар навларини қўллаш.....	62
3- боб хулосалари.....	67
ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69
Тадқиқот материаллари ва иловалар.....	78

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда нафақат юртимизда бутун дунё мамлакатларида флористика санъатига қизиқиш ошиб бормоқда. Бу қизиқишлар замирида экологик устувор масалалар ётибди. Бутун дунё мамлакатларида бунёдкорлик, қурилиш ишлари жадал суръатларда ривожланиши натижасида экологиянинг тубдан бузилиши ва турли омиллар сабаблари натижасида табиат билан яқинлашиш, уни севиш ва соғлом муҳитни ташкиллаштириш муаммолари асосида флористика санъатини амалиётда қўллаш эҳтиёжлари туғилмоқда.

Жаҳон халқлари ландшафт дизайни санъатидан интерьерларда қўллашнинг самарали ва оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда флористиканинг усуллари ҳамда йўллари ўрганиш, уларнинг ечими ва қонуниятларини аниқлаш, интерьерда флористикани қўлаган ҳолда одамларни табиат билан яқинлаштиришга қаратилган ёндошув муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда интерьерда флористиканинг замонавий инновацион йўналишларнинг етарлича аниқланмаганлиги, шу вақтгача флористика манзара композицияси ва уни шакллантиришда тарихий манбалардан тўлақонли шакллантирилмаганлиги, бу санъатни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва самарали тамойиллари комплекс ўрганилмаганлиги натижасида бир қатор, жумладан Ўзбекистон интерьер санаътида ландшафт дизайнини, яъни интерьерда флористика санъатини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг ечимлари сифатини оширишга йўналтирилган бунёдкорлик қурилиш жараёнида ушбу санъатни қўллаш бўйича тамойилларининг комплекс қоидаларининг яратилмаганлиги каби муаммолар юзага келмоқда.

Ўзбекистонда халқ фаровонлиги ошиб бораётган ва қурилиш сифати кўтарилиб бораётган бир пайтда биноларни бадиий эстетик ечимини уларни функционал вазифаларига боғлаган ҳолда хал қилиш катта аҳамият касб этади.

Замонавий шароитда интерьерларни яшил ўсимликлар билан безаш катта аҳамиятга эга. Бино ва иншоотларнинг туридан қаттиқ назар уларнинг интерьерлари турли туман бўлади. Уларни жамоат, турар-жой, ишлаб-чиқариш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия бинолари интерьерларига ажратиш мумкин.

Олдинги авлод архитектор ва дизайнерларнинг тажрибаси, маданий анъаналар ҳозирги интерьер бадий ечимига катта талаблар қўймоқда. Инсон умрининг кўп қисмини сунъий яратилган, ҳимояланган, хавфсиз ва яшаш учун қулай фазовий муҳитда ўтказади. Шунинг учун яшаш даражаси бир жихатдан интерьерни тўғри, замонавий талабларга мос ва бадий савияси етук бўлишига боғлиқ. Айнан ана шу сабабларга кўра 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республикада ландшафт дизайнини ривожлантириш ҳақида махсус Қарор қабул қилдики, унда бу соҳадаги амалий, илмий-иждодий ва кадрлар тайёрлаш масалалари қараб чиқилиб, уларни дастурий комплекс тарзда, тизимли бажариш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги кунга келиб юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган архитектура ва шаҳарсозликка доир йирик лойиҳалар ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори - олимлар, архитекторлар, дизайнерлар, амалий санъат аҳилларини Республикада ландшафт дизайнини ривожлантиришга ва таъмирлашга қаратилган давлат дастурлари ва илмий амалий ишларни бажаришни тақозо этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда флористиканинг инновацион услублари ва уни замонавий интерьерда қўлланиш тамойилларини излаб топиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш – бу долзарб мавзудир.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон ва хорижий флористика санъатига хос тарихий ва замонавий объектлардаги интерьерлар: турар-жой, жамоат бинолари ва хусусий ташкилот бинолари мисол қилиб олинган.

Тадқиқот предмети Ўзбекистонда флористика санъатини интерьерларда қўллашнинг инновацион услубларини ва уни замонавий

мақсадларда яъни инновацион қўлланиш тамойилларини ишлаб чиқишда илмий-назарий манбаларни ўрганган ҳолда самарали усулларини излаб топишдан иборат.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда интерьерда флористика санъатини янада ривожлантириш, бу соҳада республика ва хорижий мамлакатларда қўлга киритилган ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш ва уларни умумлаштириш асосида бу санъатнинг инновацион услубларини ва уни замонавий мақсадларда қўллаш тамойилларини ишлаб чиқиш иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- флористиканинг қадимги дунё мамлакатларда қўлланилиши амалиётини тадқиқ қилиш;
- интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари ва маҳаллий ҳамда хориж навларини ўрганиш;
- фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганиш;
- хорижий мамлакатларда архитектуравий стиллар ва замонавий инновацион интерьернинг тараққиёт тамойилларини ўрганиш;
- замонавий инновацион интерьерларда флористиканинг ўрни ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш;
- замонавий инновацион интерьерларда фитоўсимликларни қўллаш миллий асослари ва тамойилларини ишлаб чиқиш;
- гулларни ўстиришнинг агротехник қоидаларини ўрганиш;
- миллий инновацион интерьерлар ва маҳаллий хорижий ўсимликлар навларини қўллаш тамойиллари.

Илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотда флористиканинг инновацион услублари ва уни замонавий интерьерда қўлланиш тамойиллари ватанимиз ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда таққосланиб, такомиллаштириб энг самарали усуллари аниқланди ва лойиҳавий таклифлар берилди. Мазкур диссертация айнан шу жиҳатлари билан янгидир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалаларига қуйидагилар киради: Флористиканинг қадимги дунё мамлакатларда қўлланилишини амалиётда тадқиқ қилиш; интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари ва маҳаллий ҳамда хориж навларини ўрганиш орқали хулоса бериш; фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганиш; хорижий мамлакатларда архитектуравий стиллар ва замонавий инновацион интерьернинг тараққиёт тамойилларини ўрганиш; интерьерларда флористиканинг замонавий инновацион мақсадларда фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш; замонавий инновацион интерьерларда фитоўсимликларни қўллаш миллий асосларини тадқиқ қилиш; интерьерни трансформациялашда флористика усулларини қўллаш тамойилларини ишлаб чиқиш; миллий инновацион интерьерлар ва маҳаллий хорижий ўсимликлар навларини қўллаш тамойилларини яратиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Республикамизда кенг жамоатчиликнинг фойдаланишига мўлжалланган гулчилик бўйича оммавий адабиётларнинг кам бўлишига қарамасдан, бу соҳадаги таълим тизими ва илмий ишларни бажаришга мўлжалланган адабиётлар сонини кам деб бўлмайди. Улар дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар тарзида нашр этилган. Хусусан, Ҳ.Бўриев, А.Абдурахмонов, А.Жононбековаларнинг “Гулчилик” (Тошкент,1999), А.Г. Кияткиннинг “Ҳаваскор гулчиларга маслаҳатлар” (Тошкент, “Меҳнат”, 1992й.) ва бир қанча китобларини келтириш мумкин.

Рус тилида нашр этилган китоблардан Л. Салливен, Ф.Л. Райт, Дэвид Орт, Норман Фостер, Винсент Каллебо, Лебедева Ю.С. в «Архитектурной бионике», Нефедова В.А. в “Городском ландшафтном дизайне” и “Ландшафтной архитектуре и устойчивости среды”, Забелина Е.В. в «Поиске новых форм в ландшафтной архитектуре», Раннева В.П. в «Интерьере», Грачева А.В. в «Основах фитодизайна», Зуева И.Л., Крижановской Н.Я., Некрасова М.Л. каби китобларини кўрсатиш мумкин.

Ёпиқ физиологик хусусиятлари кўп тадқиқотлар инсон ҳаёт шароитини яхшилаш оладиган ўсимликлар ҳақида: (Драбкин, Токин, Родина, Комарова, Коверга, Лахно, Делова, Гродзинский, Николаевский, Цыбуля, Фершалова ва ҳоказо олимлар тадқиқ олиб борганлар.

Тадқиқотда қўлланилган методологиянинг тавсифи. Диссертация ишида статистик, қиёсий, интернет ва архив материаллари, флористикани интерьерда ташкиллаштириш, интерьер режалари, хорижий тажрибаларни ўрганиб ватанимиз тажрибаларида фойдаланиш, уларни графо-аналитик усулда тадқиқ қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. *Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти* флористиканинг инновацион услублари ва уни замонавий интерьерда қўлланиш тамойилларини ишлаб чиқиш билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларида "Интерьер флористика", "Ландшафт архитектураси ва дизайни" фанларини ўқитишда, лойиҳа ташкилотларида интерьерларни лойиҳалаш таклифларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти республика интерьер санъати амалиётида мавжуд ва қурилаётган бинолар интерьерларини таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнларида, уларга миллий тус бериш, янги кўринишдаги замонавий интерьерларни лойиҳалаш ва яратишда ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафтлар архитектураси, ландшафт дизайни таълим йўналишларида ва ушбу таълимлар мутахассисликларининг ўқув жараёнида фойдаланилиши билан асосланади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, 3 та боб ҳулосалари билан, якуний ҳулоса, тадқиқот натижалари ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияга магистрантнинг илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган тақдироти илова қилинган.

Биринчи боб- флористиканинг интерьерда қўлланилиши ва тарихий шаклланиши деб номланиб, унда флористиканинг ватанимиз ва хорижий мамлакатларда қўлланилиши амалиёти, интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари ҳамда маҳаллий ва хориж навларини ўрганиш, фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асослари ўрганилган.

Иккинчи боб - замонавий инновацион интерьерлар муҳити дизайнини шакллантиришда фитоўсимликларнинг роли деб номланиб, унда Мустақиллик даври боғ-ҳиёбонларнинг тараққиёти, замонавий инновацион интерьер маданияти, хорижий мамлакатларда архитектуравий стиллар ва замонавий инновацион интерьернинг тараққиёт тамойиллари, замонавий инновацион интерьерларда флористиканинг ўрни таҳлил қилинган.

Учинчи боб - Ўзбекистон муҳитида замонавий интерьерларни шакллантириш ва уларда флористика услубларини қўллаш тамойиллари деб номланиб, унда замонавий инновацион интерьерларда фитоўсимликларни қўллаш миллий асослари ва тамойиллари, интерьерни трансформациялашда флористика усулларини қўллаш тамойиллари, миллий инновацион интерьерлар ва маҳаллий хорижий ўсимликлар навларини қўллаш бўйича таклифлар берилган.

Ҳар бир боб тегишли хулосалар билан тугалланган.

Диссертациянинг якуний хулосалар қисмида бажарилган иш бўйича олинган асосий илмий натижалар, таклиф ва тавсиялар ҳамда флористиканинг инновацион услублари ва уни замонавий интерьерда қўлланиш тамойиллари ишлаб чиқилган.

I БОБ. ФЛОРИСТИКАНИНГ ИНТЕРЬЕРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Флористиканинг қадимги дунё мамлакатларда қўлланилиши амалиёти

Инсоннинг гулларга бўлган муҳаббати қадим замонларда туғилган. Ҳиндлар гулларни гўзаллик ва хушбўй ҳиди учун эмас, балки уларни яқинларига совға қилиб бериш учун яратилганлигига ишонишган. Шунинг учун, гуллар ўз боғида узилиши керак эди, чунки кариндошлар ўз қўллари билан ўстириладиган гулларни беришлари керак эди.

Кўплаб гуллар илоҳий келиб чиқиши билан боғлиқ ва улар ҳақида афсоналар яратилган. Масалан, қадимги Юнонистонда барча худоларнинг онаси - Геранинг сут томчиларидан чиройли замбараклар пайдо бўлган деган ривоят бор эди. У Зевс ва Алкменининг ўғли Гераклни эмламоқчи бўлганида, чақалоқ маъбудани туртиб юборади, шунда сут сачраб, сутли йўл осмонда, ерда эса-замбараклар ҳосил бўлади.

Астра қадимги юнон тилидан таржимада "юлдуз" деган маънони англатади. Афсонага кўра, у юлдуз келиб чиқиши билан боғлиқ: у юлдузнинг ерга тушган чангидан пайдо бўлган дейишган. Қадимги Юнонистонда бу гул омад учун тумор сифатида ишлатишган.

Турли ирис гул Камалак маъбудаси "іриси" учун қадимги юнонлар томонидан бағишланган эди; Adonis гул ёрқин сариқ юлдузлар, афсонага кўра, севимли Афродита қон томчилари номидан келиб чиққан. Худо Adonis; анемонес - севги ва гўзаллик маъбудаси Афродита кўз ёшларидан, унинг танаси устида йиғлаган.

Қадимги Римда у гладиаторларнинг гладиолус гули ҳисобланган, илдизи ғалабани келтиришига ишониб, кўксига "tumor" қилиб тақилган. Гладиолус лотинча "қилич" деган маънони билдиради.

Қадимда машҳур бўлган гул безакларининг энг қадимги турларидан бири гулчамбар бўлган. Ахир, Греция, Рим ва Россияда уйларини безатиш учун ва бошга гулчамбарлар тақишган. Милoddан аввал ботаниклардан бири

ҳисобланган қадимги юнон файласуфи ва табиатшуноси Теофрастус ўзининг илмий рисоласидаги гулчамбарларга бутун бир бобни бағишлаган. Гулчамбарлар худоларнинг ҳайкаллари билан безатилган, севишганлар еса гулчамбарлар билан алмашишган. Байрамларда дўстлик белгиси сифатида гул барглари шароб билан бирга ичилган, ундан гулчамбар тўқилган. Бир оқшом гулчамбарсиз келган одамни, римликлар хурмат қилишдан тўхтаганлар. Гулчамбар яшаш санъатига дид ва бадий маҳоратга эга бўлган қизлар амал қилган.

Улар Россияда гулчамбарлар яшашни ҳам билишарди. Оқ гуллар қизил, қизил - сариқ, сариқ ва пушти - бинафша ранглари билан бирга қўлланилар эди. Гулчамбарлардаги гуллар шакли ва ранги билан фарқ қиладиган икки ёки уч турдан ошмаслиги керак, деб ҳисобланар эди. Қадимги славян маросимларида гулчамбарлар катта рол ўйнаган. Миллий байрамларда қизлар ва ўғил болалар учун энг яхши безак - ёрқин ёввойи гуллар гулчамбарлари эди. Гулчамбарлар башорат қилиш учун ҳам ишлатилган. Иван Купалада қизлар уларни сувга қўйиб, уларнинг келажagini кўришга ҳаракат қилишган. Келиннинг бошини гулчамбар билан безашнинг қадимги славян одати шу кунгача сақланиб қолган.

Купалница ёки Купава ҳақида афсона бор, унга кўра, ёш сув париси кувноқ ва чиройли чўпон Алексейни севиб қолади, лекин жавоб кутмасдан дарёлар бўйида ўсадиган кичик сариқ гулга айланди.

Қадимги славян афсоналарида сув Нилуфар сув ости шоҳининг чиройли қизлари билан боғлиқ, шунинг учун уни сув париси деб аташади. Афсонага кўра, севгилиси Садко билан учрашишга шошилган гўзал Любаванинг синган маржонидан бўлган марваридлар папиросларга айланади.

Қадимги Шарқда III - IV асрларда гул композициялари - икэбана яшаш санъати дунёга келган. Япон тилидан таржима қилинган "икэбана" сўзи "гулларнинг иккинчи ҳаёти" деган маънони англатади. Бугунги кунда ҳам, икебана Япония уйларида ички мажбурий қисм ҳисобланади.

Шарқда гулчамбарлар жуда машхур бўлиб, унда ўсимликларнинг барглари ва шохлари билан ёрқин гуллар ўзаро боғланган. Бу ажойиб безаксиз ҳозирги вақтда Ҳиндистон, Хитой ва Шри-Ланкада ҳеч қандай байрам маросими ўтмайди.

Шарқдан кўплаб гуллар келади, улар афсоналар ва муайян рамзлар билан боғлиқ. Илоҳий сирнинг рамзи, антик давр Шарқ халқларининг муқаддас гули Лотус - гуллар маликаси ҳисобланган. Унинг биринчи зикри милоддан аввалги II асрга тўғри келади. Қадимги форс афсонасига кўра, гул барглари биринчи оқ-қора эди, аммо булбул хушбўй гўзалликни кўриб, унга ошиқ бўлиб, хайрат оғушида гулни кўксига босган. Бирдан булбулнинг юрагига тиканлар санчилган, қон сачраган ва гул япроқлари қирмизи тусга кирган. Қадимги Ҳиндистонда шохга гул олиб келган киши ҳар қандай истакнинг бажарилишини сўраши мумкин эди.

Хризантеманинг туғилган жойи Япония бўлиб, бу гул "Кику" деб аталади, бу "қуёш" деган маънони англатади. Қадим замонлардан бери хризантема қуёшнинг рамзи ҳисобланиб, унинг тасвири муқаддас бўлиб, гул нақшли матони фақат император оиласи аъзолари кийиши мумкин эди.

Шарқда Lotus гулига катта аҳамият берилган. Қизил "Lotus" (нилуфар) чексиз илоҳий донолик ва табиатнинг меваги кучларини намойиш этган. Қадимги Мисрда Lotus жуда муҳим рол ўйнаган. Гулларнинг келиб чиқиши ва маъноси билан боғлиқ кўплаб афсоналар ва муайян белгилар қадим замонларда пайдо бўлган. Лекин юқоридаги ривоятларга кўра гулларга бўлган муҳаббати ва қадимги дунёда одамлар бу гўзал ўсимликларга аҳамият берганликлари ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз мумкин.

Ижодий гулчилик тасвирий санъат турларидан биридир. Ижодий флористика тасвирий санъат турларидан бири бўлиб, унда рассом мазмун билан тўлдирилган эстетик образ яратиш учун гуллардан фойдаланган. Улар дунёнинг шахсий қарашлари ва устоз фалсафаси билан безатилган мукаммал услуб ҳисси билан яратилган.

Ижодий флористика энг органик ва табиий равишда инсон табиатининг моҳиятига мос келади - инсон яратиш эҳтиёжи бизга сон-саноксиз жаҳон дурдоналарини берди. Мавжуд дунёни ўзгартиришга интилиш одамларга расмлардан, сўзлардан китоблар ва ниҳоят гуллар квилингларида расмлар яратишга ёрдам беради.

Ҳар қандай санъат каби ижодий флористика ҳам дунёнинг икки томонлама кўринишидан иборат бўлиб, икки дунёқараш уйғунлашиб кетганда композиция ғояси туғилади: гулчи ва миждоз. Ҳақиқий уста кўлида гулдаста сизнинг дунёқарашингизни ифодалаш учун мослашувчан воситага айланади. Ижодий флористика классикани қадрлайди, лекин оддийлик ва ординарликдан қочиши мумкин; анъаналардан узоқлашмайди, балки миждозлар ва аксиомалардан қочади.

Флористика санъати-буклет яшаш, ҳаётингиздаги гуллар ва ўсимликларни инсон томонидан безаш санъати, энг қадимги санъатлардан бири. Ҳар бир мамлакат ўз тарихи, ўз анъаналари, диди ва ҳаёт тажрибаси ва ниҳоят ўз ўсимликлар бор, шунинг учун гул ва ўсимликларни ташкил этиш ва тузиш санъати катта фарқ қилиши мумкин, лекин ҳамма жойда у янада гўзал ва ёқимли ҳаёт яратиш учун ажойиб восита ҳисобланади. Инсон гўзаллик истаги билан туғилади, лекин у ҳар доим ҳам ривожланмайди. Ҳар бир инсон расом ёки ҳайкалтарош бўла олмайди, лекин ҳар бир инсон қалбини ўзгартирадиган, уни янада меҳрибон, сезгир, ижодий қиладиган гўзалликни тушунишни ўрганиши мумкин.

Энг оддий, нозик композициялар, топиш ва эстетик завқ ҳис қилишга ҳаракат қилиб, ўсимликлар шаклида сизга тақдим этиб табиат гўзаллиги - оддий гуллар ва новдалар билан икзбана, ёввойи гуллар билан гулчамбар сизга муҳим энергия бағишлайди. Бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ, флористика табиий материаллар билан, жонли табиат зарралари билан "ишлайди" ва бу асарлар орқали табиат бизга ўзининг "ҳаёт" салоҳиятини тушунарсиз тарзда узатади. Қуритилган ўсимликлардан, шунингдек, тирик

ўсимликлардан олинган расм ва композициялар хона ва ундаги одамлар иқлимига ижобий психо-биоэнергетик таъсир кўрсатади.

Гуллар, барглари, мевалар ва дала ўтлар янгиланиш рамзидир. Гул келишувлар тўпланган, улар бизга тўлиқ дунё билан бирлигимизни амалга ошириш учун имкон беради, жонни юксалтиришда, тантанали тадбир учун махсус белги бериш, фасллар ва кайфиятларнинг ўзгаришига қараб ички безашни, дунё билан уйғун муносабатларни яратишни тақозо этади. Баъзан, бундай гулли композициялар табиат ва бизнинг тасаввур бойлигини акс эттиради. Композицияларни тайёрлаш - ҳақиқий дам олиш, бевосита илҳом талаб қиладиган хаваскор расмга ўхшайди; баъзан, аксинча, у жиддий тадқиқот ва машаққатли иш. Гуллар оддий саватда ҳам, уй вазасида бўлса ҳам гўзалдирлар - бу тирик ҳайкалларни севмасликнинг иложи йўқ!

1.2. Интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари

Маҳаллий ва хориж навларини ўрганиш

Инсон ҳаёти доимо табиат билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга ўсимликлар ҳаёти билан ҳам узвий боғлиқдир. Турли халқларда уларнинг ижтимоий, диний, маданий–тарихий яшаши ва табиий–иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўсимликларга ва табиатга бўлган муносабати турлича шаклланган. Турар-жой интерьерини ўсимликлар билан безатиш одати эса, иқлими ва табиати тез ўзгарувчан мамлакатларнинг уй муҳитида тирик табиат элементларининг бўлиши ва улардан фойдаланиши эҳтиёжларидан келиб чиққан. Ҳозирги кунда эса кенг қамровли бутундунё шаҳарлашув жараёни муносабати билан турли хоналар интерьерларини шакллантиришда ўсимликлардан фойдаланиш анъанаси инсонларнинг табиатга яқин бўлиш иштиёқига асосланмоқда.

Шаҳарлар ва саноат марказларининг тез суръатлар билан ўсиши шароитида инсон ойналар, темир-бетон ва синтетик материаллардан ишланган деворлар исканжасида соатлаб қолиб кетиши туфайли табиий ўсимликларнинг интерьерлардаги роли катта. Ўсимликлар инсонни табиат

билан муносабатда бўлиши, шаклининг гўзаллиги, хушбўй ҳиди ва ёқимли яшил туси билан кишини қувонтиради, унинг нерв тизимига ижобий таъсир кўрсатади ва айни пайтда, тинчлантирувчи кучга ва аҳамиятга ҳам эгадир.

Бироқ, инсон турмушида ўсимликларнинг санитария ва гигиеник вазифалари ҳам ўта муҳимдир. Ўсимликлар чангни ютади, хоналар ҳавосини ташқи очиқ муҳитга нисбатан 20 марта кўп бўладиган ис газидан тозалайди, ҳавони намлатади ва ионлаштиради, ҳароратини пасайтиради ва энг муҳими, ўсимликлар инсон ҳаёти учун ҳавф туғдирувчи турли хил зарарли микроорганизмларни йўқ қилади ва ўлдиради.

Ўсимликларнинг инсон эмоционал ҳолатига ижобий таъсири ҳам муҳимдир. Чунки, айнан инсон ўз турар-жойида куннинг 2/3 қисмини ўтказади ва унинг табиат қучоғидан бундай тарзда айри бўлиши у яшайдиган хоналарда флора ва фитодизайн элементларининг яратилиши билан алмаштирилиши зарур.

Флора ва фитодизайн меъморий ёпиқ муҳитнинг шаклланишида ўсимликлардан фойдаланиб, уларни уй шароити предметлари ва жиҳозлари билан уйғунлаштиради. Бунда интерьерлар микроиклими шароитига мос келувчи энг манзарали ва энг чидамли ўсимликларнинг тропик ва субтропик турлари танлаб олинадики, улар ўз навбатида инсонларга юқори даражада эстетик таъсир кўрсатади ва зарарли микробларга қарши турувчи замонавий фито муҳитни шакллантиради.

Интерьерлар фитомуҳитини шакллантиришда ўсимликларнинг сунъий ҳамда натурал табиий кўринишларидан фойдаланилади. Бироқ, алоҳида самаралиси – бу натурал табиий ўсимликлардир. Маълумки, ўсимликлар ўзидан инсон кўзига кўринмайдиган, бироқ, ҳаво таркибини бойитувчи учиб юрувчи моддалар – **фитонцидлар** чиқаради. Улар катта биологик фаолликка эга бўлиб, инсон ҳаётий жараёнларини жадаллаштирувчи, организмда модда алмашинувини яхшиловчи, нафас олишни енгиллаштирувчи хусусиятларга эгадир. Агар ҳавода фитонцидлар миқдори етарлича бўлмаса, инсон ўзини

чарчоқ сезади, тез ҳорийди, иш қобилятини йўқотади, соғлигининг ҳолати ёмонлашади.

Ҳозирги вақтда узоқ хорижий мамлакатларда ўсимликлар одамларнинг меҳнат қобилятини ошириш учун фойдаланилмоқда. Шу муносабат билан хорижда Ландшафт дизайнининг фитоэргономика (юнончадан “фитон” – ўсимлик, “эргон” – иш, “номос” – қонун) номли янги соҳаси юзага келган [2].

Фитоэргономика – замонавий фан ва амалиётнинг келажаги порлоқ янги йўналишидир. Ушбу атама 1984 йилда Ғарбий Европада “инсон – машина – муҳит” тизимида олиб борилган алоҳида тадқиқот объекти сифатида вужудга келган. Фитоэргономика бир нечта фанлар (биология, медицина, эргономика, психология, ландшафт дизайни) бирлашмасидан вужудга келган. Ушбу фанлар ютуқларини ўзида жамлаган ҳолда, фитоэргономика инсон меҳнат фаолиятини қулайлаштиришнинг амалий вазифаларини унга таъсир этувчи комплекс омиллар (антропологик, психофизиологик, экологик, эстетик ва бошқа омиллар) орқали ечишга йўналтирилгандир. Бунда меҳнат жараёнида қулай фитоэргономик ва экологик шароитларга эришиш, чарчоқни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ландшафт дизайнининг объектларига нафақат кўча ва майдонлар, мўжаз дам олиш ҳудудлари (скверлар, булварлар, том учи оромгошлари, соҳиллар, тротуарлар), турли мақсадларга мўлжалланган парклар, турар жойлардаги хўжалик, спорт ва бошқа майдончалар, балки жамоат биноларининг интерерларига кирувчи табиий ландшафт элементларини, ички мўжаз боғларни, ички ҳовлиларни яратиш ҳам кирди. Флора ва фитодизайн сунъий шаклланган меъморий муҳитни турли хил ўсимликлар, флора ва фитокомпозициялар ёрдамида жонлантириш, муҳитни манзаравий бойитиш, ички ёпиқ муҳитга табиий ландшафт элементларини олиб кириш масалалари билан шуғулланади.



Маълумки, меҳнат жараёнида инсон ўз энергиясини сарфлайди, дам олиш пайтида эса, аксинча, уни йиғади. Дам олиш шароитлари қанчалик яхши ташкиллаштирилган бўлса, меҳнат самараси ҳам шунча ошади. Шунга кўра барча эргономик тизимларда (турар жой ва жамоат бинолари

микромухитида) дам олиш муҳити ва микроиклими моделини яратиш катта аҳамиятга эгадир. Ана шундай фитоэргономик микромухитни юқори савияда яратиш усуллариға фитокомпозиция ва флоракомпозициялар киради.

Фитокомпозиция фақат натурал (табиий) атроф муҳитга ижобий экологик таъсир кўрсатувчи ва муайян манзаравий самарага эга бўлган ўсимликлардан яратилади.

Флоракомпозиция эса худди шундай хусусиятларга эга табиий ўсимликлардан ташқари сунъий, яъни жонсиз ўсимликлардан ҳам ишланиши мумкин. Сунъий ўсимликлар ҳам инсонга эмоционал таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўсимликлар ўзларининг мавжудлиги билан хонада ёрқин атмосфера яратишга, ёввойи табиатнинг шинамлиги ва ҳиссиётларини кўшишга қодир. Бу айниқса, мегополисида яшовчилар учун, бетон қутиларда тоза ҳаво ва ёпик жой этишмаётганидан хавотирга тушганда. Аммо ўсимликлар кислород тарқатиши билан чегараланиб қолмайди. Улар учун мўлжалланган жойга тўғри жойлаштирилиши ва бир ёки бир нечта ўсимликларга интерерда уйғунлик бериш яхшидир. Ички дизайннинг асосий қоидаларини билиб, сиз замонавий ва уйғун дизайнга осонгина эришишингиз мумкин. Энг асосийси ўсимликлар яшаш жойининг безаклари эканлигини ҳисобга олиш, шунинг учун улар парвариш қилишни талаб қилади. Коридорнинг ички қисмидаги ўсимликлар Чиройли ўсимликлар ва фоедаги гуллар - бу уйга нисбатан ҳурматли муносабат кўрсаткичидир. Кенг ва яхши ёритилган коридор фитодизайнга чексиз имкониятлар яратади. Катта бўшлиқда катта ўсимликлар катта идишларда ажойиб кўринади. Катта ялтироқ барглари билан фикуслар кириш залини ретро услубида безатиш учун яқуний алоқа бўлади. Драсена, вертикал шаклдаги дарахтлар, юпка ёки Бенжамин фикус каби ўсимликлар классик ва замонавий интерьерларга мос келади. Замонавий коридорни мажозий маънода кесилган дарахт ёки ҳар хил пальма дарахтлари билан безаш мумкин. Коридорнинг ички қисмидаги ўсимликлар, зал кичик ёки қоронғи бўлса, тушкунликка тушманг. Хонани оддий тувакли ёки сояни

яхши кўрадиган гуллар намуналар билан безаш мумкин. Энг мос вариантлар: аспидицра (жозибали барглари бўлган кичик ўсимлик), сансевиер (барглари бир-бирига маҳкам босилган ихчам ўсимлик) .



Турли хоналарнинг фитомуҳитини шакллантириш асосида ландшафт дизайнининг табиий воситаларини қўллаб босқичма-босқич лойиҳалаш жараёни ётади. Дастлаб лойиҳаланаётган, яъни фитокомпозиция жойлаштирилаётган муҳитнинг экологик ва эргономик параметрлари (ҳаво ҳарорати, намлик, ёруғлик, газ ҳолати ва бошқалар) таҳлил қилинади.

Меҳнат жараёнининг хусусиятлари, унинг жадаллиги, инсоннинг фитокомпозиция учун ўсимлик турларини танлашда хонанинг микроиқлими, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослиги ҳамда ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (уларнинг фитофаоллиги, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қулай шароитларнинг яратилиши, ёруғлик, ҳаво ҳарорати ва бошқалар) эътиборга олинади.

Сўнгра хонадаги функционал масалалар ва фитокомпозициянинг ҳажмий–ташкилий воситалари ечилади, масалан, лойиҳаланаётган муҳитни бўлақларга бўлиш учун композиция яратиш ёки, аксинча, уларни алоҳида ажратиш, шовқин, чанг, газлардан ҳимоя қилиш кабилар ҳисобга олинади.

Интерьер ҳажмида фитокомпозицияларни қаерларга жойлаштириш масаласи узил–кесил ҳал қилинади, уларнинг интерьер муҳитини соғломлаштириш таъсири аниқланади.

Фитокомпозицияларни яратиш жараёнида ўсимликларнинг эстетик хусусиятлари ҳисобга олинади (баландлиги, шакли, тузилиши, баргларининг ранги ва бошқалар) ҳамда уларнинг инсонга психологик ва эмоционал таъсирини кучайтириш кишида ижобий эмоциялар туғдириш, ҳордик чиқариш самарадорлигини ошириш каби хусусиятлари эътиборга олинади.

Фитокомпозициянинг инсонга ана шундай самарали таъсирини кучайтиришга табиий, рангдор туслардаги жонли ландшафт (иссиқ ва совуқ ранглар, нюанс ва контраст композициялар) ни имитация қилиш орқали, композиция турларини (статик, динамик), унинг оддий шакллари ва хусусиятлари (ўлчамлари, фактураси, тузилиши ва бошқалар) ни бўрттириш, ҳамда таъсир кучининг қўшимча омилларини (тунги ёруғлантириш, мусиқа, муҳитнинг хушбўйлиги) ҳисобга олиш орқали эришилади.

Ва ниҳоят, хона фито муҳитини сўнгги шакллантиришда танланган ўсимликлар турларига мос ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш хоналари ёки турар жой ва жамоат бинолари интерьерларининг фито муҳитини яратиш учун қуйидаги ўсимликлар қўлланилади:

- барги манзарали ўсимликлар (барглари чиройли яшил тусларда);
- ампелли ва чирмовиқ ўсимликлар (шода ва барглари осилиб ўсувчи ва баландликка чирмашувчилар);
- манзарали гулловчи ўсимликлар (ранги, шакли ва гуллаш даври бўйича турли–туман тусдаги гуруҳларни ҳосил қилувчи гулловчилар);
- манзарали мевали ўсимликлар (қишги боғлар учун, асосан, бўйи мўъжаз ўсимликлар: шафтоли, анор ва бошқалар).

Юқорида келтирилган 4 хил гуруҳ ўсимликларидан турли–туман фитокомпозициялар: баланд ва чизиқли, гуруҳли фазовий ва ясси–нақшли, тик ҳамда бошқа ландшафт фрагментларини яратиш мумкин.

Интерьерларни кўкаламзорлаштиришда **микроландшафт фрагментлар** деб номланувчи фитокомпозициялар алоҳида кенг тарқалмоқда. Бундай композициялар негизида махсус ландшафт ғояси ётадики, унда жонли ландшафт элементларини имитация қилиш, яъни нафақат ўсимликлардан, балки микрорельеф, тошлар, ёғоч ва тўшамалардан, сув ҳавзаларидан тузилган жонли табиат фрагментини яратиш кўзда тутилади. Ана шундай микроландшафт фрагментларини атриумларда яратиш, айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Атриумлар ҳозирги вақтда, одатда, йирик кўпфункционали меъморий комплекслар интерьерларининг фазовий ядросини ташкил қилади. Атрофдаги хоналардан атриумга очиладиган кўринишлар ўта жозибали бўлиши билан бирга, ўзига хос ландшафт микромуҳитини яратиши зарур. Атриумларда яратиладиган микроландшафт фрагментлари натурал (табiiй) ёки сунъий (жонсиз) ўсимликлардан шакллантирилиши мумкин. Уларнинг композициясига сув қурилмаларининг турли хиллари: ирмоқлар, булоқлар, шаршара, шалола ва бассейнлар киритилиши мумкин. Ўсимликларга ёруғлик бериш табiiй ёки табiiй ва сунъий ёруғлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўсимликлар экиладиган тупроқ жойлаштириладиган қутилар ёки контейнерлар бир жойда доимий турувчи (стационар) ёки кўчма бўлиши мумкин. Атриумларда стационар қутиларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Турли хил кўرғазмалар, мажлислар, тақдиротлар заллари ва шунга ўхшаш хоналар интерьерларида эса кўчиб юрувчи, керамикадан ишланган композициялардан фойдаланиш маъқулроқдир.

Интерьерларни бир нечта турларга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хоналарининг интерьерлари;
- дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналарининг интерьерлари;
- яшаш хоналари интерьерлари (уй хоналари, меҳмонхона, ошхона ва бошқалар);
- томоша ва кўрғазма залларининг интерьерлари;

- ёрдамчи хоналар (вестибюллар, зинапоя майдончалари, зинапоя ости муҳити ва бошқалар).

Интерьерларда ўсимликларни жойлаштириш ва фитокомпозицияни яратишда энг асосий шартга, яъни интерьерлар масштабига риоя қилиш зарурдир. Баланс бўлмаган хоналарда Пальма, Фикус ва бўйи уларга ўхшаш ўсимликларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўсимликлардан тузилган гуруҳларнинг инсонларга эмоционал таъсири ва жойлашиши бўйича тўсатдан ёки секин-аста кенгайиб боровчи, тенг маромда ва илиқ таъсир кўрсатиш гуруҳларига бўлиш мумкин. Бундан ташқари, флора ва фитокомпозициялар интерьер ечимида бош акцент ролини бажариши ёки декоратив тузилмалар ва мўъжаз меъморий шакллар учун манзаравий фон вазифасини бажариши ёки интерьерлар меъморий-фазовий ечимининг органик тўлдирувчиси ҳам бўлиши мумкин.

Интерьер флора дизайнининг яна бошқа турлари борки, уларга Икэбана, Бонсай ва Коллажлар киради.

Декоратив-гуллайдиган хона ўсимликларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари. Хона шароитида гулларни ўстириш қачон ва қандай бошланганини айтиш қийин. Шундай бўлса-да яшаш жойи ва унинг атрофи ҳар доим баҳордагидек кўм-кўк бўлишини истаган, қолаверса, ҳаётдан гўзаллик излаган кишилар ниятидан бошланган дейиш мумкин.

Бундан ташқари, янги географик масканларнинг очилиши табиат, ўсимлик дунёсини ўрганиш уларнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Ер шарининг барча ҳудудларидан келтирилган турли манзарали гуллар маданийлаштирилиб, хонадонларда ўстирилиб, парвариш қилинди. Алоэ, Амарилис, Бальзамин, Бегония, Герань, Гиацинт, Гортензия, Драцена, Кактус, Хитой Атиргули, Хонаки Лимон, Мирт, Олеандр, Палма, Примула, Атиргул, Традесканция, Бинафшагуллар (Фиалка), Цикламен, Цинерария, Циперус, Азалия, Аспарагус, Аспидистра, Аукуба, Глоксиния, Жасмин, Кальцеолярия, Лигиструм, Монстера, Папоротник, Пеларгония, Солянум, Фатсия, Фикус ва бошқалар шулар жумласидандир.

Табиат мўъжизаси бўлган гулларнинг турлари ва хиллари жуда кўп. Хонаки гулларни ўстириш, парвариш қилиш ва уларнинг кенг тарқалган айрим турлари хусусида тўхталиб ўтиш мумкин.

Хонадонларда гул парвариш қилмоқчи бўлган киши гулларнинг қандай шароитда ўсганидан хабардор бўлиши учун ҳам унинг қаердан келтирилганини — Ватанини билиш лозим. Ўсимлик ҳақидаги маълумотлар, билимлар асосида эса уларнинг умумий парвариши тўғри йўлга қўйилади, керак вақтда керакли микдорда суғорилади, иссиқ-совуққа, чидамли-чидамсиз эканига қараб маълум ажратилган хоналарга жойлаштирилади, гулнинг табиатига мувофиқ келадиган тупроқли аралашмалар тайёрланади ва ҳ.к.

Хонаки гуллар, одатда дераза тоқчаларида, гул туваклари қўйиладиган махсус мосламаларда туради. Гуллар уй ҳавосини тозаловчи вазифасини бажариш билан бирга, киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига ҳам эга. Ахир ташқарида ёмғир, қор ёғиб турганида хонада яшнаб турган гуллар киши баҳри дилини очади. Шунинг учун ҳам гулларни парвариш қилувчи кишилар хонаки гулларнинг айрим турларини ёз мавсумида усти очик боғчага, ерга экишни маъқул кўрадилар. Айниқса, бир йиллик ўсимлик кўп йиллик ўсимликлар билан боғча шаклига мослаштирилиб, бошқа ўсимликлар билан ранги ва гулларига уйғунлаштиришиб экилса, бу боғ кўркини янада очиб юборади.

Хона шароитида ўстириб парвариш қилинадиган гуллар ўз хусусиятидан келиб чиқиб, ёруғликни севувчи соясевар ва сояга мослашувчи турларга бўлинади:

— ёруғликни севувчи ўсимликлар ёруғлик кўп тушадиган жойда яхши ўсади (масалан, Герань, Қўнгироқча, Кактус, Афеляндра ва ҳ.к.);

— сояга чидамли, мослашувчан хонаки ўсимликлар ёруғликда ҳам, сояда ҳам бирдек ўсаверади (масалан, Алоэ, Плюш, Аспарагус ва бошқалар);

— соясевар ўсимликлар ёруғлик тик тушмайдиган, ҳатто етарли бўлмаган соя жойда ўзини тутиб жуда яхши ўсади (Папоротник,

Традесканция, Аспидистра, Кливия, Рускус ва бошқалар), ўсимликларга ойна орқали тушадиган ёруғлик табиатдаги каби юқоридан, тик эмас, ён томондан тушиши керак. Дераза ойнаси ёруғликнинг деярли ярмини ютиб, ярмини ўтказди. Агар тувакдаги гул дераза ойнасидан 1 метрга узоқлаштирилса, ёруғлик нури камайиб, у 7,6 фоизга тушиб қолади. Шунга кўра ёруғлик бир дераза ойнасидан хонадаги ўсимликларга бир хил тушади деб бўлмайди. Хонага ёруғлик тушиши куннинг узун-қисқалигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун кузги мавсумда тахминан 23 сентябрдан сўнг хонаки гул ва ўсимликларни кўзғатмасдан, қўшимча ёруғлик бериш мумкин бўлган жойга кўчириш керак. Бунда 20-40 Вт бўлган лампалар ёкилиб, қўшимча ёруғлик берилади. Лампалар ўсимлик ва гулларга 10-40 см гача узоқликда туриши лозим. Лампалар қоронғи туша бошлаганида ёқилади ва тахминан, 10-12 соатга ёкиб қўйилади. Шу тариқа баҳор мавсумигача чироқ ёкиш соати секин-аста камайтириб борилади ва март ойларида тўхтатилади.

Олимларнинг таъкидлашларича, кўпгина хонаки гул ва ўсимликлар хона микроклимига ижобий таъсир кўрсатади. Уларда хона шароитида тез кўпаядиган зарарли микроорганизмларни ўлдирувчи учадиган фитонцидлар мавжуд. Ҳатто шундай ўсимликлар ҳам борки, улар компьютерда ишловчи, уй-рўзғорда қўлланадиган электр асбобларни кўп ишлатадиган кишиларни электромагнит майдони таъсиридан сақлайди (Масалан, кактус, семизўт, каланхоэ ва бошқалар).

Дифенбахия гулининг барглари йирик, овал шаклида бўлиб, чиройли чизиқлари бор ва у ўзидан ажойиб ҳид таратади. Дифенбахия ўз хусусиятига кўра «экзотика» номини олган. Бу гулнинг бўйи навига қараб турлича: баъзилари 2 м ва ундан ортиқ бўлса, баъзи турларининг бўйи 15-20 см дан ошмайди. Бу гул хонада бўлган вақтда ҳавони тозалайди. Салбий томони: унинг сарғайган, қуриган барглари кесган захоти қўлни тезда совунлаб ювиш керак, чунки у ўзидан захарли сув чиқаради. Шунингдек, захарли сувнинг оғиз ва кўзга сачрашидан сақланиш лозим.

Уларни ўстиришнинг агротехник қоидалари

Хонаки гуллар очик жойга экилишидан аввал улар очик ҳаво шароитига ва ёруғликка ўргатилиши керак. Бунинг учун гултуваклари бир неча соатга ҳовли йўлакларига, очик дераза токчаларига қўйилади. Гулларнинг очик ҳавода туриш вақти ҳар куни узайтириб борилади. Хонаки гулларни қуёш нури тўғри тушадиган жойга қўйиш ярамайди. Улар одатда уйнинг шимол тарафига тушиб турадиган сояга, дарахт сояси тушадиган жойга тахминан бир ҳафтага қўйилади. Ана шундан кейингина тувакдаги хонаки гулларни очик ерга ўтказиш мумкин. Бунинг учун ерда тувак ҳажмидаги чуқур казилиб, гул туваги билан шу жойга ўтказилади.

Баъзи ёш хонаки гулларни (масалан Аралия, Герань, Драцена, Лягуструм, Фукция) ерга туваксиз ҳам ўтказиш мумкин. Мавсум тугаганида, ёзнинг сўнгги кунларида эса гуллар ердан кавлаб олиниб узун илдизлари озгина қирқилади ва тувакка қайта ўтказиб қўйилади. Салқин тушиши билан гул туваклари билан хонага дераза токчалари ёки киши хоҳиши ва дидига қараб уй бурчакларига қўйилади.

Гултуваклар қандай ўлчамда бўлиши керак? Бу савол кўпчиликни ўйлантириши табиий. Гулларни экиш, кўчириб ўтказишда гултувакларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Уларни танлаётганда ўтказиладиган ўсимлик хусусиятларини албатта инобатга олиш керак. Агар гул чирмашиб ўсадиган бўлса-ю, у ўтқазилган гултувак кичкина, яъни саёз бўлса, ундаги тупроқ гул учун етарли озуқа бўла олмайди. Қолаверса, тувакнинг нотўғри танланиши оқибатида тупроқ бижғиб кетиши ва ўсимликка зарар етказиши мумкин.

Баҳорда, ўсимликларнинг айнаи ўсиш, илдиз бериш палласида, улар кучли озуқа талаб қилади, илдизи эса кенг жойда ўсади. Шунинг учун гул ва ўсимликларни март-апрель ойларида кўчириб ўтказиш керак. Яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, гул ва ўсимлик илдизлари кўпайиб тувак деворига тегиб қолганда, тувакдаги тупроқнинг ҳаммасини ўраб олганда, албатта, уларни кўчириб ўтказиш лозим. Буни пайқаш эса жуда осон: ўсимлик илдизи тарвақайлаб кетганидан тувак тагидаги тешикдан ҳам томирлари чиқиб кетган бўлади.

Хонаки гуллар учун сопол, ёғоч, пластмасса тувакларидан фойдаланиш мумкин. Энг муҳими бу тувакларнинг тубида сув оқиб чиқиб кетиши учун тешиклари бўлиши шарт. Янги сопол туваклар намликни яхши сақлаши учун, улар 1 соатга сувга солиб қўйилади. Агар тувак олдин ишлатилган бўлса, уни иссиқ сувда совунлаб ювиш, сўнг содали сувда қайнатиб, чайиш талаб этилади.

Ўсимликни экиш қондаси қуйидагича: тувак тубидаги тешикка қиррали томони юқорига қаратилиб бир парча сопол синиғи солинади, устидан йирик кум ташланади. Айрим кишилар кум ўрнига ҳам сопол синикларини солишади. Бу ҳам тўғри, лекин бу кейинги ўтказиш вақтида учли сопол парчаларини кўчираётганда бармоқларни жароҳатлаш-эҳтимолини кучайтиради. Яхшиси, сопол парчалари ўрнига майда тошлар солиш керак. Энг маъқули эса, 1-2 см қалинликда ёндирилган кул билан тешик усти ёпилади. Унинг устидан озуқа захираси сифатида куруқ ўғит сепилади. Сўнг тупроқ аралашмаси билан тувак тўлдирилади. Тупроққа чап қўл билан ушлаганча ўсимлик илдизидаги гуваласи билан қўйилади, ўнг қўл билан эса, тувакдаги тупроқ текисланади, яъни ўсимлик илдизлари ёпилади. Ўсимлик ёки гул илдизи тувак четларидан озгина пастрокда жойлашиши керак, йўқса илдиз ортиқча намликдан чириб кетиши мумкин. Тувакдаги тупроқ бир хил зичликда жойлашиши учун тувак таги билан столга астагина урилади.

Тувакни тупроқ билан зич қилиб тўлдириш ҳам ярамайди. Бу ўсимлик учун зарар. Баъзи пайтларда гул ва ўсимликлар илдизидаги лойни алмаштиришга тўғри келади. Бунинг учун тувакдан олинган ўсимлик илдизидаги кесаги билан илиқ сув тўлдирилган идишга солиб қўйилади. Сўнг илдизда қолган лойлар сув сачратиб ювилади ва ўсимлик тувакка экилади. Бу усулдаги экиш ишларидан сўнг ўсимлик барглариغا, албатта, сувни сачратиб пуркаб туриш керак.

Яна бир эслатма: хом, яхши пишмаган сопол туваклар кулранг ёки оч жигар рангда бўлади. Уриб кўрилганда улардан бўғиқ овоз чиқади. Пишиқ сопол идишлар эса қора рангда бўлади. Гул ва ўсимликларни экишда

уларнинг иккисидан фойдаланмаган маъқул. Пластмасса гултуваклар узок вақт хизмат қилади. Фақат бундай идишдан фойдаланганда сув чиқиб кетиш йўли каватини қалинроқ қилиш керак. Лекин сопол идишлар сув ушлаш, намликни бир хил сақлаш борасида пластмасса идишлардан афзалроқ.

Кўпчилик тупроқ қанчалик қора ва «ёғли» бўлса, у шунчалик сифатли деб чириндили, торфли тупроқни танлашади. Бу тупроқдан фақат аралашма сифатида маълум миқдорда фойдаланиш керак. Хонаки гулларни экишда асосан 3 хил — енгил, ўртача, оғир вазнли тупроқ-аралашма ишлатилади. Учала хил тупроқ таркибида ҳам турлича миқдорда қипикли тупроқ, кул, чиринди, торф бўлади. Чириган хазонли тупроқ асосан ўрмонда, қари дарахтлар тагидан олинади. Дарахт тагидаги барглар бир четга сурилиб, устки тупроқ (3-5 см қалинликда) – енгил қора тупроқ олинади. Бу тупроқ ўтган йилги баргларнинг чиршидан ҳосил бўлган. Ажриқли тупроқни яйлов, ўтлоқлардан олиш мумкин. Бунинг учун чимнинг қалин қатлами олиниб, ости қазилади ва шу тупроқ илдизи билан олинади. Чириган тупроқ – ўғит ва ҳар хил чиқиндиларнинг чиршидан ҳосил бўлади. Бу тупроқни боғбонлардан олиш мумкин. Тим қора, торфли тупроқни ўрмондан топса бўлади. Лекин торфли тупроқ билан торфофекалий лойини адаштириш керак эмас (торфли тупроқ уқаланувчан ва юмшоқ бўлади).

Кўл қумини танлаганда, унинг очиқ рангдагисини олиш ва чангдан холи бўлиши учун ювиш тавсия қилинади. Бунинг учун йиғилган тупроқлар эланиб, тозаланади. Тупроққа озгина кул қўшиб юбориш фойдадан холи эмас. Бу тупроқ турларини балконда ёки омборхоналарда бемалол сақлаш мумкин. Масалан, дўкондан туваги билан гул харид қилдингиз. Бир ёки икки йилдан сўнг тувак гул учун кичиклик қилади, энди уни кўчириб ўтқазиш керак. Бунинг учун сиз гулга мос тувак ва тупроқ аралашмасини излаб топиб кўчирасиз. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Оддий боғча тупроғи тувакни тўлдириш учун ярамайди. У касаллик чиқарувчи микроорганизмлар билан зарарланган бўлиши мумкин. Қолаверса,

зарарланган бундай тупроқ хона шароитида бошқа гултувакдаги гулларга ҳам касаллик таркатади.

Хона гуллари экиш учун махсус аралашмали тупроқдан фойдаланилади. Экиш, кўчириб ўтказишга энг қулай вақт бу баҳор мавсумидир. Баҳорда экилган гуллар илдизи тезда ўзини тутиб олади. Ана энди кўчириб ўтказмоқчи бўлган гул учун аввалгисидан кенгроқ тувакни танлаш лозим. Тувакнинг ҳаддан ташқари каттасини ишлатиш ҳам яхши эмас, бунда гул ўсишдан орқада қолади.

Хона гуллари озиқлантириш. Гул экилган тувакдаги тупроқ тезда дармонсизланади, таркибидаги минерал озукалар қуриydi. Гул яхши ўсиши учун тувакдаги тупроққа минерал эритмаларини, ўғит шарбатларини қуйиб туриш керак. Хонаки гулларни озиқлантириш учун гул дўконларида фойдаланиш усули кўрсатилган махсус ўғитли аралашмалар сотилади.

Агар яқин атрофда гул дўконлари бўлмаса, бундай озиқлантирувчи аралашмаларни уй шароитида ҳам тайёрласа бўлади. 4 литр сувга 0,5 грамм калий хлорид тузи, 4 грамм азотли кальций тузи, 1 грамм калий фосфор тузи қўшилади. Ўғитли аралашма тайёр бўлгач, унга яна 2 томчидан 8 томчигача темир хлориди қўшилади. Худди шунингдек, ўғитли шарбатни ҳам уй шароитида тайёрласа бўлади. Бунинг учун 4-5 қисм сувга 1 қисм гўнг солиб аралаштирилади.

Хона ўсимликлари февральдан сентябрь ойигача ҳар ўн кунда озиқлантирилиб турилади. Минерал ўғит ёки ўғитли шарбат тувак тўлгунча солинади.

Хона гуллари суғориш. Хонаки ўсимликлар ҳар битта гулнинг ўзига хос хусусиятидан, ўсиш шароитидан келиб чиққан ҳолда суғорилади. Масалан, йирик баргли, намлиги тез буғланиб кетадиган Лимон, Бегония ва бошқа ўсимликларга қараганда Алоэ, Агава, Кактус каби ўсимликлар кам суғорилади, чунки улар сувсизликка чидамли. Циперус сингари ўсимликлар тагига кўп сув қуйилмаган тақдирда ҳам яхши ўсаверади. Цикламен тугунаклари (пиёзчаси) эса умуман сувни ёқтирмайди. Цикламен туваги

таглигига (ликопчасига) сув қўйилади ёки суғоришдан олдин тугунаги атрофига тупроқ уйиб солинади. Кичкина тувакдаги гулларга тез-тез сув қўйиб турилади. Катта тувакдаги ўсимликлар эса камроқ суғорилади. Хона гулларини баҳор ва ёзда кечқурун суғорган маъқул. Куз ва қиш ойларида эса ўсимликларни суғориш ишлари эрталаб олиб борилади. Ҳаво ҳарорати баланд бўлган кунларда гуллар эҳтиёжига кўра уларни кунига икки марта суғориш керак. Тропик ўсимликларга илиқ сув (+ 20-25 даражадаги илиқ сув) қўйилади. Бу ўсимликлар баргига ҳар кун сув пуркаб туриш керак. Барглари тукли бўлган хонаки гулларга эса тез-тез сув пуркаш ярамайди. Тувакдаги тупроқ қанча кўп юмшатиб турилса, у ўзида намликни шунча кўп ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам тупроқни юмшатиш ишлари **қуруқ суғориш** деб аталади, чунки юмшоқ тупроқ намликни буғланиб кетишдан сақлайди. Ўсимликни суғориш керакми ёки йўқ, буни гултувакка уриб кўриб билиш мумкин. Тувакдаги тупроқ нами кетиб қуриган бўлса, тувакдан тиниқ товуш чиқади. Тупроқ нам бўлса, тувакдан чиқадиған товуш бўғиқ бўлади.

Хонаки ўсимликларни суғориш учун юмшоқ сув, яъни ёмғир, кўл, кўлмак сувлардан фойдаланган яхши (сув, албатта, хона ҳарорати билан тенг бўлиши керак). Гулларга муздек, совуқ сув қўйилса, ўсимлик илдизи касалланади, барглари, гул ва ғунчалари тўкилиб кетади. Ўсимликларга ҳаддан ташқари иссиқ сув ҳам қўйиб бўлмайди, акс ҳолда гул ўсишдан илгарилаб кетиши мумкин. Ўсимликка сув кўп қўйилганда ортиқча сув тувак тагидаги тешиқдан сизиб чиқади. Тувак таглигидаги бу сувни тўкиб ташлаш керак.

Декоратив гуллайдиган хона ўсимликларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Ўсимликларни жойлаштириш тартиби ҳам худди суғориш ишлари каби ҳар битта гулнинг табиати ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хонага, махсус белгиланган жойларга қўйилади. Улар хона бўйлаб шундай қўйилиши керакки, барча тувакдаги гуллар шакли, ранги, гулларининг туси, тувакларнинг катта-кичиклиги билан уйғун ҳолда хонага ўзгача чирой, файз

бахш этсин. Шунингдек, ҳар бир тувакдаги гул ўзига керакли миқдорда ёруғлик ва иссиқлик олсин. Шифти баланд, дераза ойналари кенг ва катта бўлган хоналар дераза тоқчасига катта тувакдаги гулларни қўйиш мумкин. Агар хона деразаси кичкина бўлса, катта тувакдаги гулларни полга қўйса ҳам бўлади. Хона деразаси жанубга қараган бўлса тоқчага биринчи қаторга Кактус, Алоэ Гуллари Қўйилади, Иккинчи қаторга Эса Азалия, Агава, Жасмин, Олеандр, Камелия каби гуллар қўйилади.

Абутилен, акация, агапантус, кринум, лимон каби ўсимликлар қуёш нурини севади, бу ўсимликлар қуёш нури яхши тушиб турадиган хоналарга жойлаштирилади. Хонанинг деразалари шимол томонга қараган бўлса, бу хона тоқчаларига аспарагус (спаржа), бегония, папоротник каби ўсимликлар қўйилади.

Хона деворлари оч рангда бўлса, хона рангига уйғунлашадиган ёрқин қизил гулли ўсимликларни шу жойда ўстириб парвариш қилиш керак. Агар хона деворлари гулқоғози ранг-баранг гулли бўлса, бундай хонада оқ рангда гуллайдиган ўсимликларни ўстириб, парваришлаган маъқул. Циссус (хонаки узум), Плюш, Традесканция ва бошқа ўсимликлар деразадан икки метр узоқликда қўйилади.

Туя ва кипарис баҳор, ёз ойларида шимолга қараган дераза тоқчаларига, қиш ойларида эса жанубга қараган дераза тоқчасига қўйилади. Дераза ойнаси олдидаги стол устига Бегония, Аукуба, Кливия, Мирта, Палма ўсимликларини қўйиш мумкин. Чирмашиб ўсадиган хона ўсимликлари эса деворларга илинади.

Гулларни вертикал ҳолатда жойлаштириш.

Гулларни вертикал ҳолатда жойлаштириш хонада яшил интерьер ҳосил қилади. Бу, айниқса, кичик ўлчамдаги хоналар учун мувофиқ. Осма гуллардан Спаржа, Антарктика Циссуси, Традесканция, Зебрина, Роициссус, Сеткрезия, Сциндапсус, Хлорофитум ва бошқалар туваги билан тоқча, деворларга осиб қўйилади. Бунинг учун ичига тувак жойлаштирилган турли, чиройли шаклдаги вазалар олинади, улар тоқчаларга қўйишга ёки деворга

илиш учун мўлжалланган бўлади. Уларни деворларга илиш қулай бўлиши билан бирга ҳимояланган енгил безакка ҳам эга. Яъни гулларга сув қуйилганда, сув деворга сачрамайди, девордан оқиб тушмайди. Осма вазонлар турли узунликда эшик тепасига, дераза токчаларига, аркаларга илинади. Улар яшил қандиллар композициясини ҳосил қилади.


Лиан, Сциндапсус, Плюш, Циссус (улар узун ва кўп баргли) каби ўсимликлар тувакли вазаси билан деворга илинганда, гул поясини хоҳишга кўра турли томонга йўналтириш мумкин. Агар чирмашиб, осилиб ўсувчи ўсимликлардан композиция ҳосил қилиш истаги туғилса, гулларнинг кичик ўлчамдагиларини танлаш керак. Бунда, албатта, ўсимликларнинг кўриниши, баргларининг ранг-туси, бир-бирига монанд ва уйғун бўлиши лозим.

Тик ўсувчи ўсимликлардан яшил бурчак ҳосил қилишнинг яна бир оригинал, ўзига хос кўринишларидан бири –бу, ширмалардир. Бунинг учун махсус қурилмали токчалар керак бўлади. Улар асосан ёғоч, металл, бамбук пояларидан ясалади. Шакл бериб ясалган гул токчаларига (жавон деса ҳам бўлади) тувакларнинг кўриниши, гулларнинг турларига қараб, уларни бир-бирига мослаштириб қўйилади. Яшил ширмаларга асосан Циссус, Роиссус, Сциндапсус, Плюш, Қўнғироқгул, Зебрина, Хлорофитум, Сеткрезия, Плектрантус, Аспарагуслар қўйилади. Тик ўсувчи ўсимлик ва гуллардан ташқари чирмашиб, осилиб ўсадиган ўсимликлар токча ёғочларига ўралиб, ўсиб, уйга ўзгача чирой ва файз бахш этади. Ўсимликлар жойлаштирилган токчалар нафақат хонани безовчи, шу билан бирга, киши руҳини, асабларини тинчлантирувчи яшил бурчак сифатида хизмат қилади.


1.3. Фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганиш

Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғланган, бинобарин, ўсимликлар ҳаёти билан ҳам боғлиқдир. Турли халқларда уларнинг жамоат ва маданий-тарихий шароитларига боғлиқ тарзда ўсимликларга муносабати, хулқ-атворида, турли даврлар ва формациялардаги анъаналар, урф-одатларда

Ўзига яраша ифода этилган. Турар жойларни ўсимликлар билан безатиш анъанаси, чамаси, йил фасллارининг кескин алмашинадиган давлатларда жонли табиат элементларини йил бўйи уйда ушлаб туришга уриниш пайдо бўлган.



Юқорида холнинг плани. Ўнг томонда холл интерьерининг кўриниши



Сув қурилмалари, ўсимликлар (табiiй ва сунъiiй) қўллаган ҳолда ҳоллни кўкаламзорлаштиришга мисол

Турли хоналар интерьерларини шакллантиришда, ҳозирги кунда шаҳарларнинг кенг масштабда урбанизацияланиши муносабати билан инсон табiiй эҳтиёжларига боғлиқ тарзда табиатга яқин бўлиши учун ўсимликлардан кенг фойдаланилади. Шаҳарлар ва саноат марказларининг мунтазам ривожланиш шароитларида инсонларнинг узок вақт давомида ойна, темирбетон ва синтетик материаллар қуршовида бўлишида жонли ўсимликларнинг интерьердаги ўрни ниҳоятда муҳим.

Ўсимликлар табиат билан, шакллар гўзаллиги билан, ёқимли ва сокин яшил буёқлар ёмон кайфиятни ёки руҳий зарба ҳолатидан чиқишга ёрдам бериб, марказий нерв тизимига самарали таъсир кўрсатади. Аммо, ўсимликларнинг санитар ва гигиеник функцияси (вазифаси) жуда муҳимдир. Ўсимликлар ҳавони чанг, зарарли газлардан тозалайди, ҳавонинг ҳароратини тушириб, унинг намланишига ва ионлашувига имкон туғдиради. Очик осмондагига қараганда карбонат ангидрид, яни ис гази 20 марта кўп бўлган хонада унинг ҳавосини тозалаши исботланган. Энг асосийси, кўплаб зарарли микроорганизмларни ўлдириш ва йўқотишда айниқса қадрлидир.

Ўсимликларнинг инсонлар эмоционал ҳолатига ижобий таъсири шакшубҳасиздир. Инсон айнан ушбу муҳитда ўз ҳаётининг иккидан уч қисмини ўтказади ва унинг табиатдан узиб қўйилишини флора - ва фитодизайн элементларини хоналарга киритиш йўли билан тўлдириш лозим.

Флора ва фитодизайн ўсимликлардан фойдаланиб, уларни предметли олам билан органик бирлаштириш воситасида архитектуравий муҳитни шакллантиришда янги йўналишни тақдим этади. Бу энг кўп декоратив, интерьерларнинг экологик турғун микроиклимий шароитларидаги ва юқори даражадаги эстетик таъсирга ва антимикробли фаолликка эга тропик ва субтропик ўсимликлар турларини аниқлаш, фитомуҳитнинг бундай турларидан интерьерли фазовийликни шакллантиришдан иборат.

Интерьерларнинг **фитомуҳитини** шакллантиришда сунъiiй

ўсимликлардан қандай фойдаланилса, табиий ўсимликлардан ҳам шундай фойдаланилади. Айниқса, табиий ўсимликларни қўллаш эффектив ҳисобланади. Маълумки, улар инсоннинг яшаш жараёнини кучайтиришга, организмдаги алмашинув моддалари, нафас олиш жараёнини яхшилашга имкон берадиган улкан биологик фаолликка эга бўлган, учувчан моддалар – фитонцидларни ажратиб чиқаради. Агар ҳавода фитонцидлар қанча кам бўлса, инсон ўзини ланж сезади, тез чарчаб қолади, унинг соғлиғи ёмонлашади.

Ҳозирги вақтда узоқ хорижда ўсимликлардан одамларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун фойдаланишади. Фитоэргономика фаолиятининг янги соҳаси пайдо бўлди.

Фитоэргономика (грекчада «*фитон*» - ўсимлик, «*ергон*» - иш, «*номос*» - қонун дегани) — замонавий илм ва амалиётдаги янги перспектив йўналишдир. Бу термин 1984 йил “инсон – машина - муҳит” тизимида кирувчи алоҳида объект тадқиқотининг ажралиб чиқиши муносабати билан киргизилган. “Инсон – машина - муҳит” тизимини ўрганишда комплекс ёндошув фитоэкономиканинг илмий асоси ҳисобланади. Фитоэргономика бир неча фанлар: биология, тиббиёт, эргономика, психология, дизайн, ландшафт дизайни кесимида вужудга келган.

Фитоэргономика ушбу фанлар ютуқларини умумлаштириб, таъсир этувчи омиллар (антропологик, психофизиологик, экологик, эстетик ва б.) нинг бир бутун мажмуини ҳисобга олган ҳолда инсон меҳнат фаолиятини оптималлаштиришнинг амалий вазифаларини ечади. Айниқса, иш жараёнида қулай (комфорт) шароитлар яратишга, толиқишни пасайтиришга алоҳида эътибор берилади. Маълумки, киши меҳнат жараёнида кўп қувват сарфлайди, ҳордиқ чиқаришда эса (жумладан, қисқа муддатли ҳордиқда) уни тўплайди. Ҳордиқ қанча яхши ташкил қилинган бўлса, меҳнат самарадорлиги шунча юқори бўлади. Шунинг учун, барча эргономик тизимларда юқори релаксацион (зўриқишнинг пасайиши) таъсирга эга рекреацион (ҳордиққа) микромуҳит моделлари яратилиши айниқса, мақсадга мувофиқ.

Бундай муҳитларнинг асосий омиллари фито ва флорокомпозициялардир.

Фитокомпозициялар – атроф муҳитни соғломлаштириш таъсирига эга ва декоратив эффекти билан ажралиб турувчи, фақат табиий ўсимликлардан яратиладиган композициядир.

Флорокомпозициялар – бу табиий ўсимликлардан яратилиши, шунингдек, сунъий ўсимликлардан (булар курук гуллар ҳам бўлиши мумкин) ҳам яратилиши мумкин. Турли биноларда фитомуҳитни шакллантириш хусусиятлари ландшафт дизайнининг табиий воситаларини қўллаш билан босқичма-босқич лойиҳалашда ўз аксини топади.

Дастлаб фитокомполитсия жойлаштириладиган муҳитнинг экологик ва эргономик параметрлари (ҳарорат, намлик, ёритиш, газланиш ва б.лар) таҳлил қилинади. Муҳитнинг турли манбалардан чиқарилаётган макро ва микродаражадаги ифлосланиш даражаси аниқланади. Иш жараёнининг характери, ундан зўриқиш, толиқиш даражаси ва спецификаси аниқланади. Фитокомполитсиялар ассортиментини танлашда микроиклим хусусияти, ишлаб чиқариш жараёни характери, шунингдек, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (уларнинг талаб даражасидаги фитоактивлиги, ўсимликлар ривожланиши ва ўсиши учун нормал шароитлар яратиш, ёритиш, ҳарорат ва б.лар) ҳисобга олинади. Шундан кейин функционал характердаги масалалар ечилади, фитокомпозицияларнинг: фазовийликни ажратиш учун композициялар яратиш ёки уларни шовқин, чанг, газ ва бошқалардан ҳимоя қилиш учун изоляциялаш, ажратиш каби фазовий-ташкилий хусусиятлари ҳисобга олинади. Фитокомпозицияларнинг интерьер фазоси (худуди) да жойлаштирилиши узил-кесил аниқланади ва уларнинг соғломлаштириш таъсири прогнозлаштирилади.

Фитокомполитсияларни яратиш жараёнида ўсимликларнинг эстетик хусусиятлари (баландлиги, шакли, структураси, япроқлар ранги ва б.лар) ҳисобга олинади ва инсонда релаксацион эффектга эришиш имкониятига эга ижобий эмоция уйғотувчи, унга йўналтирилган психологик ва эмоционал

таъсир этиш мақсадида ўсимликларнинг шаклланиши амалга оширилади.

Инсонларга фитокомпозицияларнинг бундай таъсирининг эффективлигига табиий ландшафт рангли колорити (иссиқ ва совуқ туслар, нюанс ва контрастли композициялар) имитацияси, композиция характери (статик, динамик)ни аниқлаш ва унинг элементар шакллар (ўлчовлари, фактура, тизими ва бошқалар) хусусиятлари орқали, шунингдек, таъсир этувчи қўшимча омиллар (ёритиш, мусиқа, муҳитларни хушбўйлаштириш) ҳисобга олинган ҳолда эришилади.

Хонанинг фитомуҳитини узил-кесил шакллантириш ўсимликларнинг танланган ассортиментида мос равишда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш бинолари интерьерида кўкламзорлаштириш қай даражада қўлланилса, турар жой ва жамоат бинолари интерьерида ҳам қуйидаги ўсимликлар қўлланилади:

- декоратив-япроқли (чиройли декоратив барглари билан);
- ампел ва чирмашувчи (осилиб тушадиган ва вертикал чирмашиб ўсадиган шаклларни ҳосил қиладиган);
- декоратив гулловчи (ўзида ранги бўйича, турли вақтларда гуллаши, шакли билан турли-туман гуруҳларни ифодаладиган ўсимликлар);
- декоратив-мевали (қишки боғлар учун асосан пакана ўсимликлар –шафтоли, анор ва б.лар қўлланилади).

Юқорида санаб ўтилган ўсимликларнинг тўрт гуруҳи турли туман композицияларни: нуқтали ва чизиқли, гуруҳли хажмий ва ясси-орнаментал, вертикал, шунингдек ландшафтли фрагментларни ташкил қилади.

Интерьерларни кўкламзорлаштиришда микроландашфтли фрагментлар асосан кенг тарқалган. Микроландашфтли фрагмент композицияси асосига ўсимликлардан, микрорельефдан, тошлардан, ёғоч ва копламалардан ташкил топган табиий ландшафтнинг имитациясини ифода этадиган махсус ғоя қўйилган бўлиши лозим, бунда табиий муҳитнинг маълум картинаси яратилади.

Хусусан, шундай микроландшафт фрагментларини атриумда яратиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда, қоидага кўра **атриумлар** улкан кўп функцияли мажмуанинг фазовий ядроси ҳисобланади. Уни ўраб турувчи бинолардан атриумга очилувчи кўриниш, барча нукталардан идрок қилиниши лозим. Атриумда яратиладиган, микроландшафт фрагментлари табиий, худди шунингдек, сунъий ўсимликлардан ҳам ташкил этилиши мумкин. Уларнинг композициясида энг хилма-хил - жилғалар, булоқлар, шаршаралар, поғонали шаршаралар каби сув мосламалари киритилиши мумкин. Ўсимликларнинг ёритилиши табиий, ва шунингдек, сунъий ёритқичлар қўлланиб амалга оширилиши мумкин.

Ўсимликларни жойлаштириш учун мўлжалланган сиғимли идишлар лар конструктив ечими характериға кўра кўчириб ўтказиладиган ва стационар (кўчмас) бўлиши мумкин.

Атриумларда стационар сиғимларни яратиш энг қулай ва мақсадли. Турли кўргазмалар, кенгаш, тақдимотлар ва б.ларда интерьерларни безашда турли конфигурациядаги сопол сиғимлардаги кўчириб юрадиган композициялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Интерьерларда фитомуҳитларни шакллантириш ғоянинг архитектуравий-бадий ва у ёки бошқа фазо (худуд) нинг функционал вазифасига боғлиқ бўлади. Ғоя юқорида таъкидланганидек, маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Интерьерларнинг бир неча тури мавжуд:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- рекреацион (қиска муддатли ҳордиқ чиқаришни амалга оширишга мўлжалланган);
- яшаш (даҳлиз, меҳмонхона, ошхона, ваннахона ва б.лар);
- томоша ва кўргазма;
- ёрдамчи (вестибюллар, зинапоя майдончалари, зинапоя тагидаги фазо) ва б. турлари мавжуд.

Ўсимликларни умумий бадий композиция элементлари сифатида интерьерларда жойлаштириш унинг энг асосий талаби (шарти) –

миқёслиликка бўйсиниши лозим. Унча баланд бўлмаган хоналарда пальма, фикус ва б. каби ўсимликларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўсимликлар гуруҳлари ўзининг жойлашуви ва ҳиссиётли (эмоциональ) таъсир этиши бўйича тўсатдан ва ўсиб борувчи, бир маромли ва импульсив таъсирга эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари флора - ва фитокомпозициялар интерьерда бош акцент, бунда унинг композицион ечимида умумий ёки декоратив структура, мўъжаз меъморий шакллар учун визуал фон бўлиши ёки интерьернинг архитектуравий-фазовий ечимида органик қўшимча бўлиши мумкин.

Интерьернинг флородизайндаги турли хил кўринишлари икэбана, бонсай, коллаж ҳисобланади.

Икэбана – Японияда вужудга келган, гулларни аранжировка қилиш (мослаштириш) нинг энг қадимий санъати. Қарийиб ўн беш аср давомида ривожланган икэбана, санъатнинг мустақил турига айландики, японлар учун бу нафақат хоналарни безатиш санъати, балки жонли илоҳийлаштирилган табиатнинг, унинг уйга олиб кирилган унча катта бўлмаган фрагментининг тимсолидир.

Бонсай – мўъжаз (пакана) дарахтларни ўстириш санъати. Японияликлар юз йиллардан буён эгалик қилаётган ушбу санъат асарлари столларга жойлаштирилиб, микробоғларни яратишда кенг қўлланилган. Улар мумкин бўлган барча табиий материаллардан табиатни: ажойиб мох боғлари, тошлар боғларини, патнис устида кумдан манзараларни моҳирона яратадилар.

Япон анъаналарини ғарб санъати ҳам ўзлаштириб олган. Ҳозирги кунда рассом-флористлар томонидан ўсимлик материалларидан бажарилган турфа хил аранжировкалар хорижда интерьерларни безатишда кенг фойдаланилмоқда ва бизнинг мамлакатимизда ҳам оммабоп бўлиб бормоқда.


Коллаж – текис ва ҳажмий қурилган ўсимликлар, бошоқли ўсимликлар ёки уруғлардан яратилган картина(тасвир)лар – флористаканинг энг қизиқарли асарларидан бири ҳисобланади. Коллаж жилосиз лок билан

мустаҳкамланган бўлиб, узоқ йиллар ўзининг буёғи ва шаклини сақлайди, уларга алоҳида мазмундорлик хосдир. Коллажлар ҳар қандай интерьернинг, айниқса рекреацион хоналарнинг ажойиб беағи ҳисобланади. Уларнинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади. Сувларнинг шалдираши, қушларнинг сайраши, сокин мусика, гулловчи ўсимликларнинг чиройи ва хушбўйлиги ва уларнинг соғломлаштириш эффекти инсоннинг психикасига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, уларнинг иш қобилиятини оширади, руҳий тўғёнларини туширади. Бундай хоналарда шунингдек, флорариумлар, флоратеррариумлар, аквариумларни яратиш мақсадга мувофиқ.

Флорариум – ойнадан ёки шаффоф пластик материалдан тайёрланиб, ичида флоракомпозиция яратилган махсус мослама ҳисобланади. Хонанинг функционал вазифаси ва ўлчамларига боғлиқ тарзда флорариумлар турли хил шаклга (шарсимон, тўғрибурчакли, куб ва ҳ.к.) ва ўлчамларга (кичик, ўртача ва катта) эга бўлади. Улар маълум эстетик эффектга (ёмғирга, шаршарага, шамолга) эришиш учун махсус муҳандислик қурилмаларга эга бўлиши мумкин. Флорариум иккита хусусиятга эга. Унда ўсимликлар тўлиқ ёки амалда тўлиқ ойна билан ёпилади, натижада контейнер ичидаги ҳаво хийла намроқ бўлади ва бу кўплаб нозик, яъни хона шароитида ҳалок бўлиши мумкин бўлган ўсимликларни ўстиришга имкон беради. Флорариумлар мавзулари турлича бўлиши мумкин. Флорариумларнинг қуйидаги турлари ажралиб туради.



Эпифитарий – Жанубий Америка ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг эпифитлари коллекциясидан иборат флорариум. Эпифит ўсимликлар тўнкалар ва сершоҳ тўнкаларда ўсади ва турфа рангга эга.



Полюдарий – пўпанак (мох) сершоҳ тўнкалар, дарё тош (валун) лари билан уйғунликда тропик ўрмонларнинг табиий фрагментларини юзага келтирадиган нам субтропик ва тропик ўсимликлар композицияси.



Кактусарий — сувсиз сахро ландшафтини белгиловчи ўсимликларнинг ватани - Жанубий Американи эслатувчи шароитларда жойлаштирилган кактуслар коллекцияси.



Террариум – ҳам микромуҳитга эга сунъий қурилма ҳисобланади. Улар рекреацион хоналарга жойлаштирилади. Усталик билан ясалган, зарурий ҳарорат ва ҳаво намлиги билан таъминланган террариумда боқилаётган қурбақа, илон, калтакесак ва б.ларни тўғри овқатлантириш гернетология бўйича мутахассисга уларни ўлимдан сақлашга имкон яратади. Террариумлар махсус ёритиш ускуналари ва иситиш қурилмалари билан жиҳозланади, шохли тўнкалар, тошлар, мох ва ўсимликлар билан безатилади. Бу унда яшаётган ҳайвонлар учун табиий шароитларга яқинлаштирилган шароитлар ташкил этиш ва интерьерда ландшафт дизайннинг мазмунли элементини яратиш имконини беради.



Аквариум – сув жонзотлари, балиқлар ва сув ўсимликларини парвариш қилиш учун мўлжалланган. Аквариумлар шаклан турли-тумандир. Улар тўғрибурчакли, юмалоқ, деворга осиб қўйиш учун картина кўринишида бўлади. Аквариум-картиналар, анъанавий тўғрибурчакли идишларга қараганда кўпроқ нафис бўлади, уларда ўсимликлар яхши ўсади ва балиқлар эффектив кўринади. Айниқса, сув ўсимликлари жойлаштирилган сув ости тоғ ландшафтлари, гротлар ва қоялар камарлари имитацияси билан

аквариумлар

янада

жозибадор

кўринади.



Акватеррариум — кўплаб амфибиялар, шунингдек, ярим сув ҳаёт шаклида яшовчи судралиб ва ўрмалаб юрувчи ҳайвонларни сақлаш учун фойдаланилади. Хусусан, аквариум асосида тайёрланган акватеррариум ишлатишга анча яроқли бўлиб, тақдим этилган қуруқлик сув устига кўтарилиб чиққан орол ва шохли тўнкалардан иборат.

Акватеррариумнинг сув қисмига сув ости манзараси элементлари: қоялар, грот(ғор)лар ва сув ўсимликлари жойлаштирилади. Оролчанинг қуруқлик қисмида ва сербўтоқ тўнкаларда намликни ёқтирадиган тропик ўсимликлар ўтқазилади.

Конструктив ечим хусусиятлари бўйича барча флорарумлар, террариумлар, аквариумлар ва акватеррариумларнинг турлари кўчириладиган (мобиль), кўчмас (стационар) ва тиркалган, бирга қурилган бўлиши мумкин.

Махсус силжийдиган сиғимларга жойлаштирилган мобил композициялар, узоқ бўлмаган даврга мўлжалланган, аммо юқори декоратив

эффект яратиш талаб қилинадиган, интерьерларда қўлланилади. Контейнерларни кўчириш шарт бўлмаган интерьерларда стационар композициялар жойлаштирилади. Улар асосан хизмат кўрсатишга оид интерьерларга тавсия этилади.

Ўрнатилган композициялар турли хоналарнинг интерьерлари билан узвий боғланади. Уларни жойлаштиришнинг энг қулай жойи бевосита тупрокда жойлашган бинонинг биринчи қавати ҳисобланади. Булар меҳмонхоналар, ресторанлар холлари, театрлар фойеси ва ҳ.к. Бирга қурилган композициялар анча юқори декоратив эффектга эгадир.





I боб хулосаси

1. Фитоўсимликларни интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганилган.

2. Ўсимликлар инсонни табиат билан муносабатда бўлиши, шаклининг гўзаллиги, хушбўй ҳиди ва ёқимли яшил туси билан кишини қувонтиради, унинг нерв тизимига ижобий таъсир кўрсатади ва айти пайтда, тинчлантирувчи кучга ва аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

3. Флора ва фитодизайн меъморий ёпиқ муҳитнинг шаклланишида ўсимликлардан фойдаланиб, уларни уй шароити предметлари ва жиҳозлари билан уйғунлаштириши ўрганилган ва исботланган.

4. Ўсимликлар ўзидан инсон кўзига кўринмайдиган, бироқ, ҳаво таркибини бойитувчи учиб юрувчи моддалар – фитонцидлар чиқариши ўрганилган.

5. Фитоэргономика – замонавий фан ва амалиётнинг келажаги порлоқ янги йўналишлардан бири эканлиги аниқланган.

6. Декоратив-гуллайдиган хона ўсимликларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари аниқланган.

7. Ўсимликларнинг турли одамга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳимоя қилишлиги илмий ўрганилган.

8. Интерьерда қўлланиб келган фитоўсимликлар турлари. Маҳаллий ва хориж навлари ўрганилиб илмий асосланган.

9. Фитоўсимликларнинг интерьерда қўллаш эҳтиёжлари ва тарихий ижтимоий асосларини ўрганилган.

II. БОБ. ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ИНТЕРЬЕРЛАР МУҲИТИ ДИЗАЙНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФИТОЎСИМЛИКЛАРНИНГ РОЛИ

2.1. Замонавий инновацион интерьер маданияти

Интерьерларни бир нечта турларга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хоналарининг интерьерлари;
- дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналарининг интерьерлари;
- яшаш хоналари интерьерлари (уй хоналари, меҳмонхона, ошхона ва бошқалар);
- томоша ва кўргазма залларининг интерьерлари;
- ёрдамчи хоналар (вестибюллар, зинапоя майдончалари, зинапоя ости муҳити ва бошқалар).

Ўсимликларни умумий бадий композиция элементлари сифатида интерьерларда жойлаштириш унинг энг асосий талаби (шарти) – масштаблилиikka бўйсиниши лозим. Унча баланд бўлмаган хоналарда палма, фикус ва бошқалар каби ўсимликларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўсимликлар гуруҳлари ўзининг жойлашуви ва ҳиссиётли (эмоционал) таъсир этиши бўйича: *тўсатдан* ва *ўсиб боровчи*, *бир маромли* ва *импульсив* таъсирга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари флора ва фитокомпозициялар интерьерда бош акцент, бунда унинг композицион ечимида умумий ёки декоратив структура, мўъжаз меъморий шакллар учун визуал фон бўлиши ёки интерьернинг архитектуравий-фазовий ечимида органик қўшимча ва бошқалар бўлиши мумкин.

Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғланган, бинобарин, ўсимликлар ҳаёти билан ҳам боғлиқдир. Турли халқларда уларнинг жамоат ва маданий-тарихий шароитларига боғлиқ тарзда ўсимликларга муносабати, хулқ-атворида, турли даврлар ва форматсиялардаги анъаналар, урф-одатларда ўзига яраша ифода этилган. Турар жойларни ўсимликлар билан безатиш анъанаси, чамаси, йил фасллариининг кескин алмашинадиган давлатларда

жонли табиат элементларини йил бўйи уйда ушлаб туришга уриниш пайдо бўлган турли хоналар интерьерларини шакллантиришда, ҳозирги кунда шаҳарларнинг кенг масштабда урбанизатсияланиши муносабати билан инсон табиий эҳтиёжларига боғлиқ тарзда табиатга яқин бўлиши учун ўсимликлардан кенг фойдаланилади. Шаҳарлар ва саноат марказларининг мунтазам ривожланиш шароитларида инсонларнинг узок вақт давомида ойна, темирбетон ва синтетик материаллар қуршовида бўлишида жонли ўсимликларнинг интерьердаги ўрни ниҳоятда муҳим.

Ўсимликлар табиат билан, шакллар гўзаллиги билан, ёқимли ва сокин яшил буёқлар ёмон кайфиятни ёки руҳий зарба ҳолатидан чиқишга ёрдам бериб, марказий нерв тизимида самарали таъсир кўрсатади. Аммо, ўсимликларнинг санитар ва гигиеник функцияси жуда муҳимдир. Ўсимликлар ҳавони чанг, зарарли газлардан тозалайди, ҳавонинг ҳароратини тушириб, унинг намланишига ва ионлашувига имкон туғдиради. Очик осмондагига қараганда карбонат ангидрид, яъни ис газини 20 марта кўп бўлган хонада унинг ҳавосини тозалаши исботланган. Энг асосийси, кўплаб зарарли микроорганизмларни ўлдириш ва йўқотишда айниқса қадрлидир.

Ўсимликларнинг инсонлар эмоционал ҳолатига ижобий таъсири шакл-шубҳасиздир. Инсон айнан ушбу муҳитда ўз ҳаётининг иккидан уч қисmini ўтказади ва унинг табиатдан узиб қўйилишини флора - ва фитодизайн элементларини хоналарга киритиш йўли билан (компенсация) тўлдириш лозим.

Сўнгра хонадаги функционал масалалар ва фитокомпозициянинг ҳажмий-ташкилий воситалари эчилади, масалан, лойиҳаланаётган муҳитни бўлақларга бўлиш учун композиция яратиш ёки, аксинча, уларни алоҳида ажратиш, шовқин, чанг, газлардан ҳимоя қилиш кабилар ҳисобга олинади. Интерьер ҳажмида фитокомпозицияларни қаерларга жойлаштириш масаласи узил-кесил ҳал қилинади, уларнинг интерьер муҳитини соғломлаштириш таъсири аниқланади.

Иш жараёнининг характери, ундан зўриқиш, толиқиш даражаси ва спецификаси аниқланади. Фитокомпозициялар ассортиментини танлашда микроиклим хусусияти, ишлаб чиқариш жараёни характери, шунингдек, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (уларнинг талаб даражасидаги фитоактивлиги, ўсимликлар ривожланиши ва ўсиши учун нормал шароитлар яратиш, ёритиш, ҳарорат ва б.) ҳисобга олинади. Шундан кейин функционал характердаги масалалар эчилади, фитокомпозицияларнинг: фазовийликни ажратиш учун композициялар яратиш ёки уларни шовқин, чанг, газ ва б.лардан ҳимоя қилиш учун изолясиялаш, ажратиш каби фазовий-ташкилий хусусиятлари ҳисобга олинади. Фитокомпозицияларнинг интерьер ҳудудида жойлаштирилиши узил-кесил аниқланади ва уларнинг соғломлаштириш таъсири прогнозлаштирилади

Ҳозирги вақтда узоқ хорижий мамлакатларда ўсимликлар одамларнинг меҳнат қобилиятини ошириш учун фойдаланилмоқда. Шу муносабат билан хорижда Ландшафт дизайнининг фитоэргономика (юнончадан “фитон”– ўсимлик, “ергон”–иш, “номос”–қонун) номли янги соҳаси юзага келган

Фитоэргономика–замонавий фан ва амалиётнинг келажаги порлоқ янги йўналишидир. Ана шундай фитоэргономик микромуҳитни юқори савияда яратиш усуллариға фитокомпозиция ва флоракомпозициялар киради.

Маълумки, меҳнат жараёнида инсон ўз энергиясини сарфлайди, дам олиш пайтида эса, аксинча, уни йиғади. Дам олиш шароитлари қанчалик яхши ташкиллаштирилган бўлса, меҳнат самараси ҳам шунча ошади. Шунга кўра барча эргономик тизимларда (турар жой ва жамоат бинолари микромуҳитида) дам олиш муҳити ва микроиклими моделини яратиш катта аҳамиятга эгадир.

2.2. Хорижий мамлакатларда архитектуравий стиллар ва замонавий инновацион интерьернинг тараққиёт тамойиллари

Табиий ландшафтнинг аллақачон тубдан ўзгариши шароитида ва техноген омиллар ландшафт дизайни таъсир ошириш табиий ва атроф-муҳитнинг сунъий компонентлари, уларнинг экологик хавфсизлигини

таъминлаш барқарорлик. Биз учун одатий бўлган "объект" ва "муҳит" ни алоҳида кўриб чиқиш замонавий амалиёт ягона табиий ресурсларни яратишга йўл беради.

Замонавий ландшафт дизайни бўлган меъморий жойлар замонавий архитектура билан қаттиқ чегараларсиз қўлланилади. Бинобарин юқори экологик сифатларга еришиш учун энг мақбул атроф-муҳит ҳолда оқиб макон тушунчаси бўлади. "Меъморий объектлар" ва "табиат" қатъий ажратиш. Ўхшаш архитектурани бирлаштириш учун мураса ечимини топишга уринишлар биз узоқ вақт давомида табиат билан иш олиб бордик.

Энг қизиқарли бири мисол учун, кўргазма павилони қурилиши - Кристаллний биринчи халқаро саноат кўргазмаси учун Palace 1851, қадимий Ҳйде Парк асосида Лондонда бўлиб лойиҳа муаллифи Джозеф Пакстон (1803-1865) бўлиб, унинг концепцияси бу руҳсат танлов учун тақдим етилган ягона лойиҳа эди. Қурилатган 200 ёшли Ҳйебон дарахтларини сақлаб қолиш ва объект операцияси. Улкан иншоот дарахтларни шунчаки қоплаган shisha гумбаз. Фақат олти ой ичида shisha ва металл қурилган, Crystal Palace аслида улкан қурилиш сайти эди. Гайд Парки жаҳон ярмаркаси ёпиқ тузилишида эди.

Америкалик архитектор Л.Салливан (1856-1924) органик архитектуранинг асосчиси ҳисобланади. Унинг асосий тамойиллари энг кенг тарқалган. Америкалик рассом асарларида меъморий Ф.Л. Райт (1867-1959) ва финляндия архитектор А.Аалто (1898-1976) меъморчиликнинг ҳозирги тенденцияларидан бири, қурилиш интеграцияси воситаларини танлашга ёндашувларнинг ўзгаришини аниқлади. Табиат эса, меъморий бионика йўналишига айланди. "Архитектура бионикаси ривожланишнинг амалий усуллари таклиф қилди. Америкалик олим David Orr керакли тамойилларини шакллантириш дизайн ва энергиятежайдиган бино қуриш, ёпиқ энергиятежамкорлигини анча ривожланган, ноанъанавий қайта тикланадиган манбалардан фойдаланиш тизимлари энергия ва ташқи сув таъминотини талаб қилмайди.

Замонавий хорижий архитектуранинг энг фаол ривожланаётган йўналишларидан бири бинода боғлардан муҳандислик тизими элементларидан бири сифатида фойдаланишдир. Бу ерда боғлар нафақат эстетик, балки бошқа функцияларга ҳам эга: улар иссиқлик изоляцияси, оқава сувларни тозалаш жараёнида иштирок этади ва биноларни шамоллатиш тизимига киради. Коммерцбанк биноси Франкфурт-на-Майне Германияда жойлашган бўлиб 1997 йилда қуриб битказилган. Бино Фостер+Партнерс архитекторлари томонидан ишлаб чиқилган. Унинг баландлиги 259 м бўлиб, 56 қаватдан иборат. Дунё бўйича энг экологик бино ҳисобланади. Дизайни ҳақида сўз юритар эканмиз Германия муқумий ва замонавий қурилиш соҳасида пешқадам ҳисобланди. Шу сабабли дунёдаги илк экологик бино ҳам айнан шу ерда қад ростлаган. Норман Фостер дизайни 1991 йилда узининг асосий хусусияти яъни банк ходимлари учун кундузги табиий ёруғлик ва тоза ҳаво билан таъминланганлиги сабали қурулишлар конкурсида ғолиб чиқади. Коммерцбанкда тауэр бўшлиқ бино марказида қолдирилган, чунки бу бўшлиқ табиий вентиляцияни таъминлайди. Учта шавқатсизлик ядроси бурчакларга жойлаштирилиб лойиҳада учбурчак шаклини берган. Спирал бўйлаб бинода 9 та кўпқаватли қишки боғ жойлаштирилган. Бинода жойлашишига қараб осмонўпар бинода турли хил иқлимли ўсимликлар жойлаштирилган. Мисол учун ўсимликлар Ўртаерденгизи, Шимолий Америка ва Осиёдан келтирилган ўсимликлардир. Коммерцбанк тауэрга табиий ёруғлик нури тушиб туради. Конференц заллар ойналаридан бино атрофида бунёд этилган боғлар билан завқланиш мумкин. Сингапурда Марина Бей маркази бор. Бу марказ ўз ичига 3 та 55 қаватли баландлиги 200 м ли биноларни олади. Бу бинолар устига гондола шаклида терасса жойлаштирилган. Терасса ичида 12,4 минг. м² катталиқка эга боғ ва ҳовуз мавжуд. Меҳмонхона архитектор Моше Сафди томонидан ишлаб чиқилган. Унинг сўзига қараганда меҳмонхона дизайни фэн-шуй усталари томонидан юқори баҳоланган. Терасса ичидаги боғ “Жаннат боғи” норасмий номини олган. Боғнинг асосий структуравий зоналари мавжуд: улар Тропик

ўрмон, гулли оранжерея ва сунъий супер дарахтлардан ташкил топган. Боғ 3 та зонага бўлинган. Жануб, Шарқ ва Марказий зоналар. Бухтадаги боғларда 220 минг хил ўсимликлардан ташқари дунёда учрамайдиган кўприк ва йўл ўтказмаларни учратиш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки йирик гул гумбазларда доимий баҳор фасли кузатилади. Уникал микроиклим туфайли сиз салқин ҳаво ва гул консерваторияси билан завқланишингиз мумкин.

Улкан “shisha” гумбазлар остида истироҳат ҳудудида иккита улкан иссиқхона-одамсимон биомлар билан фитотронлар жойлашган. Бирида бутун дунёдан гуллар ва ўсимликлар тўпламини тўплаб, иккинчисида эса энг дунёдаги энг йирик иссиқхона жойлаштирилган. Тропик муҳитни яратган - бир метрлик шаршара мавжуд. Иккита шиша фитотрон вазифасини бажаради. Дунёдаги энг йирик ёпиқ иқлим назорати тизими, Парк ҳудудида жойлашган. қуёш нурлари ва қуёш коллекторлари, фотосинтез жараёнини симуляция қилади. Қуёш энергиясини сақлайдиган тирик ўсимликлар. Махсус киберсистемалар ёмғир сувларини тўплайди. Боғ бугунги кунда ишлаб чиқиляётган ёпиқ биноларнинг зарур қисмидир. Ташқи энергия ва сув манбаларини талаб қилмайдиган бинолар узоқ вақт муҳандислар ва меъморлар томонидан ишғол қилинган. Шундай қилиб, 2000-йил январ ойида АҚШнинг (Огайо штати) Oberlin шаҳрида В.Адам Жозеф Люис экологик тадқиқотлар маркази очилди. ХХІ аср архитектураси ва қурилишидаги асосий ғоя-табиат инсон фаолиятининг пассив асоси эмас: шаҳарсозлик учун юқори қулайлик кўрсаткичларига эга бўлган ва айни пайтда иқлим тизимларини қуриш учун энергия манбаи бўлган янги табиий муҳитни яратиш мумкин. Марказ лойиҳасининг асосий инновацион экологик хусусиятларидан бири Жон Тодд томонидан такомиллаштирилган тирик машина чиқинди сувларини тозалаш заводи билан боғлиқ эди. Шунга ўхшаш қурилмалар илгари Европада, хусусан Германияда ишлаб чиқилган. Жозеф Люис марказининг тирик машина чиқинди сувларини тозалаш заводи микроблар, ўсимликлар, саянгозлар ва ҳашаротларни ўз ичига олган тизимдан фойдаланади. Кимёвий тозалашнинг анъанавий усуллари

кўлланилмайди. Завод томонидан ишлов берилган оқава сувлар техник мақсадлар учун қайтарилади ва қайта ишланади. Меҳмонхона ҳар тўртинчи даражаси “palma” дарахтлари, Ясемин буталар ва бошқа тропик ўсимликлар билан бир платформа ҳисобланади. Шундай қилиб, қурилиш қўшни шаҳар истироҳат билан бирлаштиради. Парк ҳақиқий табиатнинг аралашмаси. Амстердам халқаро аэропортида Скипхол. Юмалоқ тожлар дарахтлар, чиройли баргли бута ва ўтларнинг таркиби сунъий торф тахта билан бирга ўсимликлар ва яшил тахта мато тахта меҳморхона тўғрисида атроф маконнинг тозалиги ва ёруғлиги Rosan Bosch Ltd меҳморхона фирмаси тўғрисида тақлид мисолида Стокгольмдаги Витра тажриба мактаби ички иши ҳисобланади.

2.3. Замонавий инновацион интерьерларда флористиканинг ўрни

Мамлакатимизда гул савдоси нисбатан яқинда кенг ривожланди. Бироқ, бугунги кунда бу ривожланиш бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ, флорист-ландшафтчилар томонидан руҳни кўтарадиган ажойиб композициялар тақлиф қилинмоқда.

Биринчи гул дўконлари ва салонларининг кўриниши ўтган асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Шу вақтдан бошлаб тадбиркорлар ушбу маҳсулотни сотиш жуда фойдали эканлигини тушунишди. Айниқса, дам олиш кунларигача бўлган муддатда унга бўлган талаб ниҳоятда юқори экан. Бироқ, гулларни сотиш жуда кўп фойда келтирмайди, лекин чиройли дизайн учун одамлар ҳамёнидан катта миқдорда пул тўлашга тайёр эдилар.

Шундай қилиб, мамлакатимизда флористика каби йўналиш мавжуд эди. Флористлар дарҳол бу йўналишнинг асосий вакилларига айландилар. Кўпинча улар асл эстетик дидга эга бўлган одамларга совға қилишди. Кўп одамлар нафас олиб, бундай квиллинг ва композицияларни яратишга имкон берадиган бу фазилятлар эди.

Аслида, бугунги кунда гул материалларини яхши биладиган яхши гулчи жуда кам. Агар сиз буюртмани бажарган одамни учратсангиз, унда сиз

нафақат қониқишингиз мумкин, балки айна пайтда жуда бахтли бўлса, ўзингизни бахтли деб ҳисобланади.

Бироқ, гулчи гул дўконида ишлаши шарт эмас, чунки унинг асосий вазифаси инжиқ мижозларга хизмат қилиш эмас, балки янгилик яратишдир. Одатда энг машҳур дўконлар сотувчи сифатида оддий одамни ёллайди, лекин улар тажрибали флористни нафақат чиройли квиллинг ва композицияларни яратадиган, балки харидордан ўз иши учун зарур бўлган барча маълумотларни олишга қодир маслаҳатчи сифатида қабул қилишади [7].

II боб хулосаси

1. Интерьернинг турларига ва стилларига қараб унда фитоўсимликларни қўллашнинг йўллари ва услублари ўрганилган ва илмий асосланган.

2. Иш жараёнининг характери, ундан зўриқиш, толиқиш даражаси ва спецификаси аниқланади. Фитокомпозициялар ассортиментини танлашда микроклим хусусияти, ишлаб чиқариш жараёни характери, шунингдек, ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (уларнинг талаб даражасидаги фитоактивлиги, ўсимликлар ривожланиши ва ўсиши учун нормал шароитлар яратиш, ёритиш, ҳарорат ва б.лар) ҳисобга олинади.

3. Барча эргономик тизимларда (турар жой ва жамоат бинолари микромуҳитида) дам олиш муҳити ва микроклими моделини яратиш катта аҳамиятга муҳимлиги аниқланган.

